



ЎЗБЕКИСТОН ВА ТУРКИЯ ҲАМКОРЛИГИ РИВОЖИДА ЯНГИ ДАВР БОШЛАНМОҚДА



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан 29 март куни Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоған расмий ташриф билан мамлакатимизга келди.

Икки мамлакат давлат байроқлари билан безатилган Тошкент халқаро аэропортида Туркия Республикаси Президенти ва унинг рафиқасини Президент Шавкат Мирзиёев ва рафиқаси кутиб олди.

Таъкидлаш лозимки, Туркия Республикаси Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигини биринчи бўлиб тан олган. 1996 йилда мамлакатларимиз ўртасида Абадий дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома имзоланган. Халқларимиз кўп асрлик тарихи, тили, дини, қадриятлари ва муштарак урф-одатлари билан бир-бирига

чамбарчас боғланган. Давлатларимиз ўртасида ўзаро ишонч асосидаги дўстона муносабатлар бугунги кунда изчил мустаҳкамланиб бормоқда.

Туркия етакчиси давлатимиз раҳбари ҳамроҳлигида "Янги Ўзбекистон" боғига ташриф буюриб, Мустақиллик монументи пойига гул қўйди. Меҳмонга мажмуада акс эттирилган тарих ва мазмун ҳақида сўзлаб берилди.

Таъкидлаш жоизки, бу хоржий давлат раҳбари ташрифи чоғида "Янги Ўзбекистон" боғида ўтказилган биринчи шундай маросим бўлди ва келгусида аънаёна айланади.

Ташрифнинг асосий тадбирлари Кўксарой қароргоҳида бўлиб ўтди. Олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортди. Шавкат Мирзиёев ва Режеп Таййип Эрдоған шоҳсупага кўтарилдилар. Ўзбекистон ва Туркия давлат мадҳиялари янгради. Фахрий қоровул тантанали равишда давлат раҳбарлари олдидан саф тортиб ўтди.

Маросимда икки мамлакат расмий делегациялари аъзолари ҳам ҳозир бўлди.

Расмий кутиб олиш маросимидан сўнг Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва

Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоған тор доирада музокаралар ўтказди.

Етакчилар Ўзбекистон ва Туркия ўртасидаги ўзаро ҳурмат, дўстлик ва ишончга асосланган кўп қиррали ҳамкорликни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш юзасидан фикр алмашдилар.

Учрашувда асосий эътибор стратегик шериклик муносабатлари даражасини юксалтириш, икки мамлакат ўртасидаги сиёсий, парламентлараро, савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар алоқаларни кенгайтириш масалаларига қаратилди.

Кейинги йилларда икки томонлама ҳамкорлик сезиларли даражада фаоллашди. Ҳукуматлар, вазирлик ва идоралар, ҳудудлар даражасида доимий мулоқотлар йўлга қўйилган. Олий даражада эришилган келишувлар изчил амалга оширилмоқда.

Шавкат Мирзиёев ва Режеп Таййип Эрдоған кооперация лойиҳалари ва дастурларини амалга ошириш орқали савдо-иқтисодий ва инвестициявий алоқаларни янада ривожлантириш Ўзбекистон ва Туркия ҳамкорлигининг муҳим йўналиши эканини қайд этдилар.

Шу маънода, мамлакатларимизнинг катта салоҳияти ва имкониятларини, жумладан, Савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссия механизмидан фойдаланиш орқали рўёбга чиқариш зарурлиги таъкидланди.

Давлат раҳбарлари минтақавий ва халқаро кун тартиби юзасидан фикр алмашаркан, мамлакатларимизнинг позициялари ўхшаш эканини қайд этдилар. Кўп томонлама халқаро институтлар доирасида ҳамкорликни давом эттиришга келишиб олинди.

Шундан сўнг Олий даражадаги Ўзбекистон — Туркия Стратегик ҳамкорлик кенгашининг иккинчи йиғилиши бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Туркия етакчисини қутлар экан, ўзаро ҳамкорликда юксак даражага эришилганидан, мамлакатларимиз парламентлари, давлат идоралари, ишбилармон доиралари ва жамоатчилиги ўртасидаги алоқалар мустаҳкамланиб бораётганидан мамнуллигини билдирди.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон кўп қиррали муносабатларни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлашдан манфаатдор эканини таъкидлади.

Туркия Президенти Режеп Таййип Эрдоған мамлакатларимизнинг қардошлиқ ришталарига асосланган стратегик шериклиги барча соҳаларда ўзаро ишонч ва ҳурмат руҳида ривож топаётганини алоҳида қайд этди.

Икки мамлакат етакчиларининг расмий ташрифлари ва мунтазам мулоқотлари сиёсий мулоқотни мустаҳкамлашга хизмат қилиб, сермаҳсул амалий шериклик учун кенг имкониятлар очди.

Савдо ва инвестиция соҳаларида алоқалар жadal ривожланимоқда. Жумладан, кейинги йилларда ўзаро товар

айирбошлаш 2,5 баробарга ўсиб, 3,6 миллиард доллардан ошди. Қўшма корхоналар сони 5 баробар кўпайиб, 2 мингдан ортди. Инвестициявий ҳамкорлик кўрсаткичлари 70 баробарга ўсди.

Ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш мақсадида томонлар шериклики, шу жумладан, савдо ва иқтисодиёт, инвестициялар, транспорт, тўқимачилик, энергетика, қишлоқ хўжалиги, соғлиқни сақлаш, маданий-гуманитар алмашинув каби соҳаларда янада кенгайтиришнинг устувор йўналишларига батафсил тўхталдилар.

Ўзбекистондаги ислохотлар борасида ҳамкорликни мустаҳкамлаш, давлат-хусусий шериклик механизмларини жорий қилиш, фан, таълим, санъат, кино, туризм ва ахборот соҳаларидаги шерикликни чуқурлаштиришга келишиб олинди.

Ҳамкорлик кўлами кенгайганини ҳисобга олиб, томонлар муносабатларни янги даражага — кенг қамровли стратегик шериклик босқичига олиб чиқишга қарор қилдилар.

Музокаралар якунида Режеп Таййип Эрдоған Шавкат Мирзиёевга икки томонлама Стратегик ҳамкорлик кенгашининг навбатдаги йиғилишида иштирок этиш учун Туркияга ташриф билан келишни таклиф этди.

Туркия Президенти Режеп Таййип Эрдоғаннинг мамлакатимизга ташрифи доирасида яна бир муҳим воқеа — Тошкент вилоятида музонавий иссиқлик электр станциясини ишга тушириш ҳамда Сирдарё вилоятида шундай станция қурилишини бошлаш маросими бўлди. Ушбу лойиҳалар Туркиянинг "Cengiz Enerji" компанияси томонидан амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев маросимда нутқ сўзлар экан, лойиҳаларнинг аҳамиятига тўхталди, ушбу мажмуалар Ўзбекистон ва Туркия ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик самараларининг ёрқин ифодаи эканини таъкидлади. Охириги бир йилнинг ўзига туркиялик компаниялар билан биргаликда Ўзбекистоннинг жадал ривожланаётган иқтисодиёти учун жуда муҳим бўлган 5 та йирқ энергетика лойиҳалари амалга оширилгани алоҳида қайд этилди. Хусусан, ушбу станцияларнинг умумий қуввати бугунги лойиҳалар билан қўшиб ҳисоблаганда 1,4 минг мегаваттга етади.

▶ Давоми 2-бетда

Тошкент декларацияси БМТ Бош Ассамблеясининг расмий ҳужжати сифатида тан олинди ва ташкилотнинг 6 расмий тилида тарқатилди

Ушбу ҳужжатнинг БМТ Бош Ассамблеяси 76-сессияси расмий ҳужжати сифатида қабул қилиниши Ўзбекистоннинг терроризмни бартараф этиш ҳамда унга қарши курашиш йўлидаги саъй-ҳаракатлари халқаро ҳамжамият томонидан эътироф этилганидан далолат беради.

Жорий йил 3-4 март кунлари БМТ Глобал аксилтеррор стратегиясини амалга ошириш бўйича қўшма ҳаракатлар режаси доирасида Марказий Осиё мамлакатларининг минтақавий ҳамкорлиги мавзусига бағишлаб Ўзбекистон пойтахтида бўлиб ўтган халқаро конференция иштирокчилари томонидан қабул қилинган Тошкент декларацияси БМТ Бош Ассамблеяси 76-сессиясининг расмий ҳужжати сифатида эътироф этилди.

Ҳужжат БМТнинг олти расмий тили — араб, инглиз, испан, француз, хитой ва рус тилларига таржима қилиниб, барча аъзо давлатлар, БМТ ихтисослашган муассасалари ўртасида тарқатилиб, A/76/751 рақами остида ташкилот журналига ҳамда расмий ҳужжатлар тизимига жойлаштирилди.

Тошкент конференцияси Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессиясида илгари сурилган

ташаббуснинг амалда ҳаётга татбиқ этилиши доирасида ташкил қилинган.

Халқаро форум якунлари бўйича қабул қилинган Тошкент декларациясида Марказий Осиё мамлакатлари — Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон ва Ўзбекистон вакиллари БМТ шафеълигида ва унинг низоми асосида кўп томонлама ҳамкорликни қўллаб-қувватлаши ҳамда БМТнинг Глобал аксилтеррор стратегияси тамойиллари ва мақсадларига содиқ эканини тасдиқлаганди.

Улар, шунингдек, терроризмнинг барча шакл ва кўринишларини қатъий қоралашларини яна бир бор баён этди. Чунки бу халқаро тинчлик ва хавфсизликка энг жиддий таҳдидлардан бири бўлиб, барқарор ривожланиш ва инсоннинг универсал ҳақ-ҳуқуқлари таъминланишига тўсқинлик қилади.

▶ Давоми 2-бетда

Ўзбекистон – Туркия: ТАРИХ ВА ИСЛОҲОТЛАР МУШТАРАКЛИГИ

Жорий йил 4 март куни Ўзбекистон Республикаси ва Туркия Республикаси ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганига 30 йил тўлди

Туркия ва Ўзбекистонни кўп асос — ўхшаш тил, уйқаш аънава ва тутумлар, ягона дин, азалий дўстлик ва уйғун маданий алоқалар боғлаб туради. Икки халқ тамаддуни геосиёсий жойлашув ва тарихий тараққиётдан тортиб, ҳозирги ривожланиш босқичида кечаётган ислохотларнинг ўзига хослигига эга бўлган кўп умумий жиҳатларга эга.

Гапни, аввало, умумий тарих билан боғланган ўзбеклар ва туркларнинг қардош халқ эканидан бошлайлик. Чунки бугунги туркларнинг аجدодлари замонавий Туркия ҳудудига Мовароуннахр заминидан кириб келган. Шу сабабдан Ўзбекистон Туркияда аждодлар замини ҳисобланади ва "ота юрт", деб қадрланади.

Географик жиҳатдан Ўзбекистон Осиёнинг марказида жойлашган бўлиб, унинг турли тарафларини боғлайди, Туркия эса Осиё ва Европани боғлаб турувчи давлатдир. Геосиёсий жойлашувнинг ушбу хусусиятлари қадим замонлардан бун турли маданий ва цивилизацияларнинг бир-бири билан мулоқоти ва ўзаро ҳамкорлиги, савдо йўллари кесишиш марказлари саналган икки давлатнинг тарихий ривожланиши билан боғлиқ ўзига хос умумий жиҳатларни ҳам белгилайди. Ҳар икки давлат бир пайтлар тарих-

даги энг машҳур транспорт йўлаги — Буюк ипак йўлининг асосий бўғинлари эди.

Мамлакатларимизнинг минтақавий аҳамияти ўз минтақаси ривожидидаги ўхшаш ролини ҳам белгилаб беради, чунки улар ўз вақтида Осиёнинг энг қудратли давлатлари ҳисобланарди. Усонийлар империяси бир пайтлар Ғарбий Осиё, Шимолий Африка ва Жануби-шарқий Европани бирлаштирган бўлса, темир йўллар давлати Осиё ва Яқин Шарқнинг марказий қисмини Ҳинд океанигача туташирган.



Йигирманчи асрнинг тарихий тактизмларидан кейинги замонавий тарихда ҳам икки халқ тақдирининг муайян муштараклиги кузатишмоқда. Туркиянинг янги тарихи 1923 йилда Отатурк номи билан машҳур бўлган миллий қаҳрамон Мустафо Камол бошчилигидаги миллий озодлик курашидан сўнг демократик давлат —

Туркия Жумҳурияти эълон қилинган даврдан бошланган. Ўзбекистоннинг янги тарихи эса 1991 йилда собиқ иттифоқ парчаланиб, янги мустакил демократик давлат — Ўзбекистон Республикаси ташкил этилган пайтдан илди олади.

▶ Давоми 3-бетда

ЎЗБЕКИСТОН ВА ТУРКИЯ ҲАМКОРЛИГИ РИВОЖИДА ЯНГИ ДАВР БОШЛАНМОҚДА

Бошланиши 1-бетда

Ўзбекистон энергетика тармоғини модернизация қилиш натижасида 2026 йилгача давлат-хусусий шериклик асосида умумий қиймати 12 миллиард долларлик 29 та лойиҳа ишга туширилиши таъкидланди. Улар қўшимча 71 миллиард килловатт-соат электр энергияси ишлаб чиқариш имконини яратади, йилига 12 миллиард куб метр табиий газ тежаллади.

Давлатимиз раҳбари электр станциясини бунёд этишда қатнашган муҳандис ва курувчиларга миннатдорлик билдирди. Сўнг Президент Шавкат Мирзиёев ва Президент Режеп Таййип Эрдоган раъсий тугмани босиб, Қўнраи туманидаги иссиқлик электр станциясини ишга туширди ва Ховос туманидаги иссиқлик электр станцияси қурилишини бошлаб берди.

Қўнраидаги ИЭС қуввати 240 мегаватт бўлиб, йилига 2 миллиард килловатт-соат энергия ишлаб чиқаради.

Ховос туманидаги янги иссиқлик электр станцияси 220 мегаватт қувватга эга, унда йилига 1 миллиард 700 миллион килловатт-соат электр энергияси ишлаб чиқарилади.

Олий даражадаги музокаралар якунлангач, ҳужжатларни имзолаш ва алмашиш маросими бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ва Туркия Президенти Режеп Таййип Эрдоган олий даражадаги Стратегик ҳамкорлик кенгашининг иккинчи йиғилиши якунлари бўйича Қўшма баёнот имзоладилар.

Бундан ташқари, икки мамлакат ҳукуматлари, вазирлик ва идоралари даражасида кўп қиррали Ўзбекистон — Туркия ҳамкорлигини янада кенгайтиришга қаратилган 9 та ҳужжат имзоланди.

Жумладан:
— Имтиёзли савдо тўғрисидаги битим;
— Давлат чегаралари орқали товарлар ва транспорт воситаларининг ўтиши ҳақида

олдидан ахборот алмашиш тўғрисидаги баёнот;

— Меҳнат ва бандлик соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги англашув меморандуми;

— Суд экспертизаси соҳасида ҳамкорлик меморандуми;

— Қурилиш соҳасида англашув меморандуми;

— Соғлиқни сақлаш вазирликлари ўртасида 2022-2023 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар режаси;

— Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги билан Туркиянинг “Анадолу” агентлиги ўртасида Ҳамкорлик битими.

Олий даражадаги стратегик ҳамкорлик кенгашининг иккинчи йиғилиши якунлари бўйича оммавий ахборот воситалари вакиллари учун брифинг ўтказилди.

Президент Шавкат Мирзиёев сўзининг аввалида халқларимизни Наврўз байрами ва яқинлашиб келаётган муборак Рамазон ойи билан табриқлади. Миллатларимизнинг тарихи бирлиги ва бугунги яқинлигига эътибор қаратди.

— Буюк ипак йўлининг чорраҳаларида жойлашган юртимиз қадимдан Осиё, Европа ва Африка қитъаларининг карвон йўллари туташган ҳудудлар сифатида шуҳрат қозонган. Ҳозирда турк қардошларимиз биздан минглаб километр олдига яшаётган бўлсалар-да, тилларимиз ва дилларимиз ниҳоятда яқиндир. Бизнинг тарихий илдизларимиз бир, бугунги орзу-интилишларимиз ҳам муштарак, — деди Ўзбекистон Президенти.

Олий даражадаги стратегик ҳамкорлик кенгаши алоқалар ривожига катта ҳисса қўшаётгани, унинг бугунги йиғилиши муносабатлар тарихида янги саҳифа очгани таъкидланди.

— Мамлакатларимиз ўртасидаги алоқаларнинг ҳозирги юқори даражасидан келиб чиқиб, муносабатларимизни кенг қамровли стратегик шериклик мақомига кўтаришга келишим олдик, — деди Шавкат Мирзиёев.

Мамлакатларимиз давлат-хусусий шериклик механизмини ривожлантириш борасида

яқиндан ҳамкорлик қилишдан ҳам манфаатдор.

Ўтган йили Анқара ва Истанбулда Ўзбекистон маданияти кунлари ўтказилган эди. Бу йил Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида Туркия маданияти кунларини ташкил этиш режалаштирилган.

Ўзбекистонда турк тилини ўрганишга қизиқиш ортиб бормоқда. Тошкент давлат шарқшунослик университетида туркшунослик факультети самарали фаолият кўрсатмоқда.

Яқинда Тошкентда барча туркий халқларнинг буюк маданий мероси бўлган ноёб асар — “Дада Қўрқут китоби” ўзбек тилида тўлиқ ҳолда нашр этилди. Унда дostonлардан иборат ушбу қимматли китоб ажодларимизнинг шонли тарихи, ота-боболаримиз жасорати ва донишмандлигидан дарак беради.

Давлатимиз раҳбари ушбу китобни Туркия Президентига тўхфа қилди.

— Сизнинг ташифингиз ҳамкорлигимиз учун янги ва юксак имкониятлар яратишга жуда катта ҳисса қўшади. Ота юртингиз эшиклари Сиз ва барча туркиялик қардошларимиз учун доимо очиқ, — деди Президентимиз.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ва Туркия Президенти Режеп Таййип Эрдоган Кўксарой қароргоҳидаги Фахрий меҳмонлар хиёбонига кўчат ўтказди.

Бу йил Ўзбекистон билан Туркия ўртасида дипломатик алоқалар йўлга қўйилганига 30 йил, Стратегик шериклик муносабатлари ўрнатилганига 5 йил тўлди. Ушбу нўҳол ҳамкорлик ривожига янги давр бошланаётгани, муштарак эзгу ниятларнинг рамзи бўлди.

Мазкур хиёбонда бошқа ҳамкор давлатлар раҳбарлари эккан дараклар ҳам бор.

Туркия Президенти Режеп Таййип Эрдоғанининг мамлакатимизга расмий таширифи давом этмоқда.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
ЎЗА муҳбири

Тошкент декларацияси БМТ Бош Ассамблеясининг расмий ҳужжати сифатида тан олинди ва ташкилотнинг 6 расмий тилида тарқатилди

Бошланиши 1-бетда

Ҳужжатда БМТга аъзо барча давлатлар тасдиқлаган БМТ Глобал аксилтеррор стратегиясининг терроризмга қарши курашиш, жумладан, ушбу ёвузлик учун қулай шароитларни бартараф этиш борасидаги кенг қамровли ва кўп томонлама ҳаракатлар режаси ҳамда мувофиқлаштириш нўҳтаи назаридан ноёб мазмунга эга биринчи ҳужжат экани таъкидланган.

Терроризмга қарши курашиш, шунингдек, инсон ҳуқуқлари ва қонун устуворлигини рағбатлантириш ҳамда ҳимоя қилиш бир-бирига зид эмас, балки ўзаро мустаҳкамловчи вазифалар экани қайд этилган.

Унда Марказий Осиё БМТ Глобал аксилтеррор стратегиясини кенг қамровда ҳаётга татбиқ этиш бўйича минтақавий қўшма ҳаракатлар режасини ишлаб чиққан ва уни амалга оширишни ўз зиммасига олган биринчи минтақа бўлганига эътибор қаратилган. Қайд этилганидек, БМТ Бош Ассамблеяси БМТ Хавфсизлик кенгашининг терроризмга қарши кураш қўмитаси баҳолагани, шунингдек, халқаро ҳуқуқ, жумладан, инсон ҳуқуқлари, халқаро гуманитар ҳуқуқ ҳамда БМТнинг устувор ва мувофиқлаштирилган техникавий кўмаги кўрсатилиши учун қочқорлар масалалари бўйича халқаро ҳуқуқнинг тегишли қоидаларига таянган ҳолда бундай миллий ва ёки минтақавий режалар ишлаб чиқиши рағбатлантиради.

Терроризмнинг олдини олиш ва унинг тарқалиши учун қулай шарт-шароитларни бартараф этиш учун Марказий Осиё мамлакатларининг жамиятининг барча тармоқлари ва даражаларида, жумладан, фуқаролик жамияти, ёшлар, диний гуруҳлар, маданий-маърифий етакчиларга таянган ҳолда изчил ва ҳар томонлама саъй-ҳаракатлари зарурлиги таъкидланган.

Марказий Осиё мамлакатлари ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорлиқни ўзаро манфаатдорлик асосида мустаҳкамлаш миллатлар ҳамжамиятининг ҳаётий муҳим манфаатларига хизмат қилиши ҳамда тинчлик ва хавфсизликни қўллаб-қувватлаш, шунингдек, 2030 йилгача бўлган даврда минтақанинг барқарор ривожланиши бўйича кун тартибининг амалга ошириш, кенг миқёсда халқаро эътироф қозониш ҳамда муҳим омили ҳисоблангани маълум қилинган.

Ҳужжатда, шунингдек, Марказий Осиё мамлакатлари террористик гуруҳлар билан алоқада гумонланган, хориздаги можаролар зонасида бўлган ўз фуқароларини ёши ва жинсидаги ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ватанига қайтариш, ҳимоя қилиш, зарур ҳолларда жавобгарликка тортиш, шунингдек, реабилитация ва реинтеграция қилиш бўйича доимий саъй-ҳаракатларни давом эттираётгани ҳамда бошқа аъзо давлатлари ўз ватандошлари вазиятларини ҳал қилиш учун бу таърибани ҳисобга олишга қақариши билдирилган.

Хусусан, Марказий Осиё мамлакатлари янги ва эҳтимолий таҳдидларни ҳисобга олган ҳолда умумий таъшиш тугдирадиган масалалар ва устувор йўналишларни ҳал этиш бўйича терроризмнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш юзасидан саъй-ҳаракатларни бирлаштириш учун асос сифатида халқаро, минтақавий, икки томонлама ва маҳаллий ҳамкорлиқни кенгайтириш, шунингдек, терроризмнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш асосларини ҳамда Марказий Осиёда БМТ Глобал аксилтеррор стратегиясини самарали ва мувозанатли амалга ошириш бўйича қўшма тадбирлар режасини қўллаш ва унинг доирасини мустаҳкамлаш асосида минтақавий мулоқот ва ҳамкорлиқни кучайтиришни зиммасига олади.

“Дунё” АА
Нью-Йорк

2022 йил — ИНСОН ҚАДРИНИ УЛУҒЛАШ ВА ФАОЛ МАҲАЛЛА ЙИЛИ

ОБОД МАҲАЛЛАЛАР — ЮРТИМИЗ КЎЗГУСИ

“Обод” сўзини эшитганимизда кўз ўнгимизда ораста кўчалар, тўқина тўқис ҳаёт, саранжом-саришта масканлар, лўндагина айтганда, ўзбекона қадриятларимиз бирма-бир намоён бўлади. Ободлик руҳи, айниқса, кўклам чоғи кўр олади. Ҳовлимиздаги саришталик маҳалла бўйлаб кенг қулоч ёзиб, халқ ҳашарига айланади кетади.



Гулруҳ АЪЗАМОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутаты

Бир ёқадан бош чиқариб...

Обод маҳалла, шубҳасиз, саришта кўча ва хонадондан бошланади. Давлатимиз раҳбарининг ушбу масалага кўп бора тўхтаётгани боиси ҳам шунда. Зеро, осойишта, аҳил оилалар обод жамиятни барпо этганидек, обод маҳалла озод ва хур диёрни гуллаб-яшнатади.

Азалдан маҳалла институти юртимизда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталикни асраш, миллатлараро дўстлик ва ҳамкорлиқни таъминлаш, ёшларни катталарга ҳурмат, одамларга гамҳўрлик қилиш, Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш, қадриятларимизни эъзозлашга ўргатиш жараёнида муҳим урин тутаети.

Бугунги кунда “ободонлаштириш”, “қўқалам-зорлаштириш”, “тозалик” сўзлари кундалик ҳаётий эҳтиёжimizга айланмоқда. Бу хайри ва эзгу ишлар мавсум танламайди. Кайвонларимиз айтганидек, саранжом-саришта жойда кут-баракка, файзу тароват бўлади.

Айни пайтда юртимизнинг барча шаҳар, қишлоқ, маҳалла ва меҳнат жамоаларида

теварак-атрофни тартибга келтириш, саранжом-саришта қилиш, тозалаш кўлами янада кенгайган. Ободонлаштириш жараёнида боғ ва сайилгоҳлар, маҳаллалар, кўп қаватли уйлар, корхона ва ташкилотлар ҳудудларини тартибга келтириш, чиқиндиларни белгиланган жойга чиқариб ташлаш ва кўчаларни таъмирлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Манас қишлоғидан бошланган “Обод қишлоқ”, “Обод маҳалла” дастури бугун умуммиллий ҳаракатга айлангани ҳам айна ҳақиқат. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан 2018 йилда “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари қабул қилинган бўлиб, бунинг учун ҳар йили катта-катта маблағлар йўналтирилмоқда.

“Обод ва хавфсиз маҳалла” тамойили, Маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги ташкил этилгани, маҳалла институти моддий-техник базаси тўқдан янгилангани маҳаллалар қиёфасини тўқдан ўзгартишга ҳам ҳуқуқий, ҳам молиявий асос бўлди.

Бошқа давлат органлари ва ташкилотларига тегишли 50 дан зиёд вазифа ва функция фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан олиб ташланди. Маҳалла фақат ўзига юкланган вазифалар билан банд бўлди. Натижада жойларда муаммоларни ҳал қилишнинг яхлит ва таъсирчан вертикал тизими яратилди.

Янгича ёндашувлар

Ободлик дастурлари янги ёндашувлар асосида шакллантирилгани боис, аҳоли талабларидан келиб чиқиб, 206 та туман ва шаҳар ҳокимлиги, йўл, электр таъминоти, коммунал хизмат ва тадбиркорликка масъул раҳбарлар билан бирма-бир гаплашиб, 8 мингта маҳаллада бажарилиши лозим бўлган ишлар белгилаб олинди.

“Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурларига қайси маҳалла ёки қишлоқ киришини маҳаллий кенгашлар белгиламоқда. Ҳокимликлар зарур маблағ ва бажариладиган ишларни аниқ ҳисоб-китоб қилиб, маҳалла раиси билан бирга ҳудудий кенгашларда ҳимоя қилмоқда. Шу билан бирга, маҳаллий кенгашлар ҳар бир маҳалла кесимига ижтимоий соҳа, ичимлик сув, йўл-транспорт ва инфратузилма объектлари манзилли дастурини ҳам тасдиқлаши амалиёти шаклланди.



Ободлик кўнглини олишдан бошланади

Маҳалладаги ҳар бир фуқаронинг ҳолатини аниқ ўрганишда “маҳаллабай”, “хонадонбай” ишлаш, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар, хотин-қизлар ва ёшларга мақсадли ёрдам кўрсатишда “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари”нинг йўлга қўйилиши муҳим қадам бўлди.

Президентимиз таъкидлаганидек, “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” деганда, нафақат уларнинг йўли ёки қиёфаси яхшиланиши, балки у ерда яшовчи аҳолининг даромади кўпайиши, ижтимоий объектлар тўлиқ ишлаш керак. Энг асосийси, ҳақиқий обод маҳаллада “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари” бўлмагани лозим. Бунинг учун тадбиркорлар билан маслаҳатлашиб, ишлаб чиқаришларни ташкил этиш, янги иш ўринлари яратиш зарур. Сарфланган ҳар бир сўм инвестиция одамларимизга уч баробар кўп фойда келтириши, уларнинг даромадини оширишга хизмат қилиши керак.”

Ҳа, ободлик кўнгиладан, кўнгилини олишдан, қилган ишларимиз натижаси ва халқ розилигидан бошланади. Шу боис, тадбиркорлик ва

бандлик дастурларини маҳаллага боғлаб, 500 минг ёш ва 200 минг аёлни иш билан таъминлаш, “Темир дафтар”га киритилган 300 минг аҳолини камбағалликдан чиқариш энг асосий мақсад қилиб қўйилди.

Шу мақсадда ўтган йили “Оилавий тадбиркорлик” дастури учун 9 триллион сўм ресурс йўналтирилди ва 1 триллион сўм эвазига 128 та маҳаллада кичик саноат зоналари ташкил этилди.

Ижтимоий соҳаларни ривожлантириш мақсадида “Обод қишлоқ” дастури доирасида 379 та мактаб, 171 та мактабгача таълим ҳамда 161 та тиббиёт муассасасини, “Обод маҳалла” дастури доирасида 57 та мактаб, 37 та боғча ва 15 та тиббиёт масканида қуриш-таъмирлаш ишлари бажарилди.

Натижада юртимизнинг ҳар бир ҳудудига обод ва кўркам гўшалар, мафтункор масканлар, намунавий хонадон ва кўчалар сони ортди. Халқимизнинг ҳаётга ишончи юксалиб, яшашга, келажакка интилиши янада кучайди. Бир сўз билан айтганда, ободлик бор жойда файзу барака, ривожланиш, тинчлик ва тўқинлик бўлади.

Яна бир янги тизим

Ривожланиш сари қўйилган ҳар бир қадам, шубҳасиз, юртимиз тарақиёти, инсонлар қадри улуғланишига олиб келади. Айнан шу мақсадда Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йилида аҳоли муаммолари билан ишлашга маҳалла институтининг мавқеини тўқдан оширишга қаратилган, аниқ молиявий маблағлари бўладиган яна бир янги тизим шакллантирилди.

Эндиликда ҳар бир маҳаллада **ҲОКИМ ЁРДАМЧИСИ** — камбағалликни қисқартириш ва янги иш ўринлари яратишга, **ЁШЛАР ЕТАКЧИСИ** — ёшлар сиебаси ва ёшлар балансига, **ХОТИН-ҚИЗЛАР ФАОЛИ** — аёллар масаласи ва уларнинг дарду ташвиши билан ишлашга жавоб беради.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизни барқарор ривожлантириш, халқимиз фаровонлигини юксалтириш, фуқароларимиз ҳаётдан рози бўлиб, эртанги кунга қатъий ишонч билан муносиб ҳаёт кечирishiни таъминлаш бўйича олдимизга қўйган мақсад ва вазифаларни изчил амалга оширишда жамиятнинг энг муҳим бўғини ҳисобланган маҳалла институтининг ўрни ва аҳамияти тобора ортиб бормоқда.

Шундай экан, юртимизда кечаётган ислохотлар самараси, ўзгаришлар ва бунга аҳолининг муносабати, уларнинг қайфияти, аввало, маҳаллада акс этиши, маҳаллада сезилиши, маҳалла ёруғ юзимиз ва виждонимиз кўзгусига айланиши лозим.

Ўзбекистон – Туркия:

ТАРИХ ВА ИСЛОҲОТЛАР МУШТАРАКЛИГИ

Жорий йил 4 март куни Ўзбекистон Республикаси ва Туркия Республикаси ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганига 30 йил тўлди



Обид ҲАКИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти Администрацияси
хузуридаги Иқтисодий
тадқиқотлар ва ислохотлар
маркази директори

имкониятлари кенгайтирилади. Жорий ҳисобнинг таркибий тақчиллиги қисқартирилади. Янги технологиялар соҳасида салоҳиятини ошириш ва глобал рақобатбардошликка эришиш кўзда тутилган. Ёшлар орасида бандликни таъминлаш, шунингдек, ишчи кучи сифатини ошириш чоралари қўрилади. Бозорда турли механизмларни бирлаштириш учун мустақил бозор назорати институти ташкил этилади.

Ўзбекистонда ўтган асрнинг 90-йилларида бошланган ислохотларнинг биринчи босқичи, дастлабки муваффақиятларга қарамай, пировардида, замонавий иқтисодиётнинг жадал ривожланишига йўл бермади, чунки импорт ўрнини босувчи ёндашувларнинг устуниги ички бозорни ҳимоя қилиш орқали тармоқларни қўллаб-қувватлашни кучайтиришни тақозо этди. Бу эса Ўзбекистон иқтисодиётининг ҳаддан зиёд ёпиқлигига олиб келди.

Худди Туркиядаги юқорида баён қилинган ислохотлар бошланишидан олдинги каби вазият юзага келди. Шу боис, ҳокимият тепасига келган Шавкат Мирзиёев иқтисодиётни либераллаштириш ва уни жаҳон иқтисодиётига интеграция қилишга қаратилган ислохотларнинг янги босқичини бошлаб берди. Туркиядаги ислохотлар билан айна пайтада Ўзбекистонда кенаяётган ислохотлар ўртасидаги ўхшашликни сезиш қийин эмас. Бу айниқса, таълим соҳасидаги ислохотларга тааллуқли бўлиб, бугунги кунда мамлакатимизда тизимни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратишмоқда.

Ушбу ислохотлар таҳлили айна пайтада худди Туркиядаги каби глобал рақобатбардошликка эришишни мақсад қилган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси доирасида юртимизда амалга оширилаётган ислохотлар билан яна катта ўхшашлик намоён бўлганини кўрсатди.

буюрди. Президент Шавкат Мирзиёевнинг олий даражадаги бу ташрифи доирасида ўзбек-турк муносабатлари тарихида биринчи марта Қўшма баёнот имзоланиб, мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар стратегик ҳамкорлик даражасида мустаҳкамланди. Ҳамкорликнинг турли соҳаларида оид 20 дан зиёд келишув ҳам имзоланди.

2017 йил октябрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Туркия Республикаси Буюк миллат мажлиси билан ҳамкорлик бўйича Парламентларо гуруҳи ташкил этилди. 2018 йил 10 февралдан бошлаб Туркия фуқароларининг Ўзбекистонга келиши учун визасиз режими жорий этилди (Туркия 2007 йилдан буён Ўзбекистон фуқаролари учун визасиз режими қўллаб келди). “Ўзбекистон ҳаво йўллари” миллий авиакомпанияси 2017 йилдан Самарқанд-Истанбул йўналишида тўғридан-тўғри рейсларни йўлга қўйган бўлса, шу йилдан “Турк авиалиниялари” авиакомпанияси ҳам ушбу йўналишда тўғридан-тўғри авиаташувларни амалга ошира бошлади.

Туркия Президенти Режеп Таййип Эрдоғанининг 2018 йил баҳоридagi юртимизга давлат ташрифи ҳам Ўзбекистон ва Туркия ўртасидаги эндиликда стратегик бўлган муносабатларни чуқурлаштиришда муҳим роль ўйнади. Ташриф доирасида ҳукумат даражасида кўплаб ҳужжатлар имзоланди. Шунингдек, икки давлат раҳбарлари бошчилигида олий даражадаги Ўзбекистон — Туркия стратегик шериклик кенгашини тузиш ҳақида келишувга эришилди. Кенгашнинг биринчи йиғилиши 2020 йил февралда Анкарада бўлиб ўтди.

Шунингдек, Ўзбекистон Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ва Туркия Меҳнат ва ижтимоий таъминот вазирлиги ўртасида “Меҳнат мигрантлари ва уларнинг оила аъзолари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги битим имзоланди. 2018 йил мартда Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги ҳамда Туркиянинг “Tauga group” компанияси ўртасидаги келишув асосида Ўзбекистон Туркияга мигрантларни ташкиллаштирилган ҳолда ишга



ларнинг сезиларли кенгайишида акс этмаслиги мумкин эмас эди. Жумладан, 2016-2021 йилларда Ўзбекистон ва Туркия ўртасидаги товар айланмаси 2,9 баробар, экспорт 2,5 баробар, импорт 3,5 баробар ўсди.

Ўзбекистон ва Туркия ўртасидаги ўзаро савдо ҳажмининг жадал ўсиши натижасида Туркия 2021 йилда Ўзбекистоннинг тўртинчи энг йирик ташқи савдо ҳамкорига айланди. Сунги 3 йилда Ўзбекистон иқтисодиётига киритилган турк инвестициялари ҳажми икки баробар ошиб, 2021 йил якунига кўра 1,2 миллиард долларни ташкил этди. “Çalik Holding”, “Akaya İnşaat”, “Varnet” каби турк компаниялари ва бошқа инвесторлар билан ҳамкорлик йўлга қўйилди. Энергетика соҳасида турк ширкатлари билан (AKSA Energy, Odash Energy, Cengiz Energy) 6 та иссиқлик электрстанцияси бўйича лойиҳа амалга оширилмоқда, улардан тўрттаси ишга тушди, яна икkitаси 2022 йилда фойдаланишга топширилади.

2022 йилнинг 1 март ҳолатига кўра, Ўзбекистонда Туркия капиталы иштирокидаги 1900 дан зиёд корхона фаолият юритмоқда. Ҳолбуки, 2018 йил 1 январда уларнинг сони 508 та эди (2022 йилда 2017 йилдагига нисбатан ўсиш 3,8 баробар). Шунингдек, 2022 йил январь-февраль ойларида Ўзбекистонда ташкил этилган хорижий капитал иштирокидаги янги корхоналар сони бўйича ҳам Туркия (63 та) етакчилик қилмоқда. Кейинги ўринларда Россия (51 та), Қозғоғистон (29 та) ва Хитой (25 та) турибди.

Турк компаниялари ва инвесторлари “Tashkent City” объектлари, Чимён-Чорвоқ дам олиш худудидagi курортлар, йирик кўнгилочар марказларни қуришда ҳам фаол қатнашмоқда. Шу билан бирга, “Anadolu Group”, “Ekzachibashi”, “Medicana”, “Ajibadem” компаниялари билан янги сармовявий лойиҳалар бўйича музокарали ўзгазилмоқда.

Ўзбекистон Туркияга рангли металллар ва улардан тайёрланган буюмлар, пахта толаси, калава-ип, мева-сабзавот маҳсулотлари, хизматлар, азотли ўғитлар, нефтни қайта ишлашдан олинган маҳсулотлар экспорт қилади. Туркиянинг Ўзбекистонга импорти парфюмерия, косметика воситалари, механик ва электр ускуналар, пластмасса ва улардан тайёрланган буюмлар, тўқима-чилик, кимё, фармацевтика маҳсулотларидан иборат.

Хирги йилларда тармоқлар рақобатбардошлигини оширишга қаратилган ислохотлар натижасида Ўзбекистон Туркия бозорига энгил, кимё, металлургия санаяти, машинасозлик, электротехника, чарм-пойабзал ва қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари етакчи беришни сезиларли даражада кенгайтириш мумкин.

Турк намунаси асосида кластер ёндашуви жорий этилаётган теридан пойабзал ва кийим-кечак ишлаб чиқариш соҳаси ҳам ҳамкорликни чуқур-

лаштириш учун истиқболли йўналиш ҳисобланади. Кластер доирасида Ўзбекистонда терини қайта ишлаш, пойабзал, шунингдек, атир-упа маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича фабрикалар очилмоқда. Келажакда улар МДҲ мамлакатларига экспорт қилиш учун юқори қўшилган қийматга эга тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаради.

Савдони ривожлантириш учун транспорт коммуникациялари ва транзит соҳасидаги ишларни фаоллаштириш, хусусан, Боку — Тбилиси — Карс темир йўли имкониятларидан фойдаланиш ҳам ҳамкорликнинг муҳим йўналишидир. Ўзбекистон Қора денгиздаги Черноморск, Потти ва Батуми портлари, шунингдек, Туркиянинг Урта ер денгизидagi Мерсин портига, у орқали Яқин Шарқ ва Шимолий Африкага чиқиш учун ушбу транспорт йўлида иштирок этиш имкониятини кўриб чиқмоқда. Юқоридagиларга боғлиқ ҳолда ўзаро транзит тарифларини янада пасайтириш масалаларини ҳал этиш зарур.

Икки давлат раҳбарлари 2018 йилда Тошкентда бўлиб ўтган учрашувда беш йил ичيدا Туркия ва Ўзбекистон ўртасидаги йиллик савдо ҳажмини беш миллиард долларга етказишга келишиб олган эди. Ўзбекистон ва Туркия ўртасида имтиёзли савдо тўғрисидаги битимнинг тузилиши ушбу вазифани ҳал қилишга кўмак беради. Бу орқали эса томонлар савдода бир-бирига учинчи давлатларга қараганда қулайроқ режими тақдим этади.

Жорий йил 26 февраль кунини бўлиб ўтган телефон мулоқотида Ўзбекистон ва Туркия раҳбарлари ушбу келишувни тезроқ қабул қилишга келишиб олди. Афтидан, бу келишув икки мамлакат етакчиларининг шу галги учрашувида имзоланди.

Туркий давлатлар ташкилоти

Туркия ва Ўзбекистон ўртасида нафақат икки томонлама муносабатлар фаол ривожланмоқда, балки кўп томонлама форматларда ҳам ҳамкорлик қилинмоқда. Туркий тилли давлатлар ташкилотидagi иштирок ҳам Ўзбекистон ва Туркия ўртасидаги халқаро ҳамкорликнинг муҳим қисмларидан биридир.

Ушбу ташкилот Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгаши (Туркий кенгаш) номи остида 2009 йилда ташкил этилган. Ўзбекистон унга 2019 йил 15 октябрда Боку шаҳрида бўлиб ўтган еттинчи саммитда тўлақонли аъзо сифатида қўшилди. Ташкилотнинг 2021 йил 12 ноябрда Қўшнинг шаҳрида ўтказилган саккинчи саммитида унинг номи Туркий давлатлар ташкилотига ўзгартирилди. Шунингдек, саммитда турк дунёсининг 2040 йилгача бўлган давр учун концепцияси ҳам тасдиқланди. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Туркий давлатлар ташкилотининг биринчи саммитини 2022 йилда Ўзбекистонда ўтказишни тақдир қилди. Тақдир қабул қилинди ва ташкилотнинг навбатдаги тўққизинчи саммити, насиб этса, Ўзбекистонда 2022 йил ноябрь ойида бўлиб ўтади.

Хулоса

Айтиш мумкинки, ҳозирги пайтадаги Ўзбекистон ва Туркия ҳамкорлиги нафақат тўқсонинчи йиллардаги даражага қайтди, балки ҳам сон, ҳам сифат жиҳатидан ундан юқорига кўтарилди. Муносабатлар ҳақиқатан ҳам стратегик ҳамкорлик характери касб этди.

Тарих ва бугунги кун турк-ўзбек халқлари нафақат этник келиб чиқиши жиҳатидан, балки руҳиятига кўра ҳам ҳақиқий қардош халқлар эканига яққол гувоҳлик беради. Бу икки қардош халқ тарихий тараққиётнинг барча эвриллишларига қарамасдан, шиддат билан ўзгараётган дунёда рақобатбардош бўлиб қолиш учун зарур ислохотларни амалга оширган ҳолда ўз миллий давлатчилигини матонат ва меҳнатсеварлик билан мустаҳкамлаб келмоқда.

Мана шундай яқинлик ва ёндашувларнинг муштараклиги салоҳияти ҳали тўлиқ очилмаган ўзбек-турк ҳамкорлиги бундан буён ҳам ҳар икки мамлакат халқлари фаровонлиги йўлида мустаҳкамланиб, чуқурлашиб боришининг энг ишончли гаровидир!

Бошланиш 1-бетда

Туркия ва Ўзбекистондаги ислохотлар

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида, ислохотларнинг биринчи даврида асосан, санаятни ривожлантириш стратегиясига эътибор қаратди, бу эса ўша йилларда ишлаб чиқариш ресурсларини унумдорлик паст соҳалардан юқори унумли соҳаларга ўтказишда муҳим эди.

Туркияда ҳам худди шундай вазият кузатилди. 1980 йилгача Туркия иқтисодиёти импортга йўналтирилган эди. Уша даврда хусусийлаштириш, хусусий бизнесни ривожлантириш ва чет эл капиталини жалб қилиш борасида қўрилган чора-тадбирларга қарамай, турк иқтисодиёти 1994, 1999 ва 2001 йилларда иқтисодий инқирозга сабаб бўлган таркибий муаммолар туфайли бекарорлигича қолди. Улардан энг жиддийлари 2000 йил ноябрь ва 2001 йил февраль ойларида мамлакат иқтисодиётига кучли салбий таъсир кўрсатди. Бу инқирозлар натижасида иқтисодий ўсиш пасайди, валюта қадриланди, 2 миллионга яқин одам ишсиз қолди, Туркия иқтисодиёти Иккинчи жаҳон урушидан кейинги энг оғир давларини бошидан кечирди.

2001 йил июль ойида Адолат ва тараққиёт партиясига асос солиниди ва 2002 йил ноябрь ойида бўлиб ўтган парламент сайловида галаба қозонди. Бош вазир лавозимига келган Режеп Таййип Эрдоған иқтисодий ислохотларнинг жадаллик билан бошлаб юборди. Банк тизимини ислох қилиш, пул-валюта бозори барқарорлигини ҳамда макроиқтисодий кўрсаткичларнинг турғун ўсишини таъминлашни мақсад қилган стратегия бундан анча илгари ишлаб чиқилган эди. Молия ва хусусийлаштириш жараёни билан бир қаторда қишлоқ ҳўжалиги, ижтимоий ҳимоя, энергетика ва телекоммуникация соҳаларида ҳам ислохотлар амалга оширилди. Натижада иқтисодий ўсиш суръати 2004 йилдаги 2,3 фоиздан 9,9 фоизга ошди, инфляция даражаси ва бюджет тақчиллиги камайди, ташқи савдо айланмаси ва хорижий инвестициялар оқими сезиларли даражада ортди. 2002-2012 йилларда Туркия иқтисодиётига киритилган инвестициялар реал ЯИМнинг 64 фоиз, аҳоли жон бошига ЯИМнинг эса 43 фоиз ошишига олиб келди.

Ислохотлар давомидида таълимни ривожлантиришга ҳам етарлича эътибор қаратилди. Таълим вазирлиги бюджети 2002 йилдаги 7,5 миллиард лирадан 2011 йилда 34 миллиард лирагача кўтарилди, бу бир вазирликка тақдим этилган миллий бюджетнинг энг катта улусини ташкил қилди. Мажбурий таълим муддати 8 йилдан 12 йилгача узайтирилди. 2003 йилда Туркия ҳукумати ЮНИСЕФ билан биргалликда бошланғич мактабга қабул қилишдаги гендер тафовутни йўқотишни мақсад қилган “Қизлар учун мактаб” кампаниясини бошлаб юборди. 2004 йилдан дарсликлар бепул бўлди. 2008 йилдан Туркиядаги ҳар бир вилоятнинг ўз университетини ўз ичига олади: давлат молияси, нархларни барқарорлаштириш, молия сектори, жорий тақчиллик, бандлик, корпоратив бошқарув, инвестицияларни рағбатлантириш, ички савдо, рақобат ва бозор назорати.

Хусусан, давлат молияси соҳасида давлат қарзини бошқариш кучайтирилади, солиқ назорати соддалаштирилади, давлат корхоналари ислох қилинади. Молия соҳасида фоизсиз молия тизими

Ҳамкорликнинг биринчи босқичи

“МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОННИНГ БИРИНЧИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ БОШЧИЛИГИДАГИ ДЕЛЕГАЦИЯСИНING ХОРИЖГА ИЛК РАСМИЙ ТАШРИФИ 1991 ЙИЛ ДЕКАБРЬ ОЙИДА ТУРКИЯГА БЎЛДИ. 1990 ВА 2000 ЙИЛЛАР БОШИДА ИСЛОМ КАРИМОВ ТУРКИЯГА БИР НЕЧА БОР ТАШРИФ БУЮРДИ. ТУРКИЯ ПРЕЗИДЕНТИ ТУРГУТ ЎЗАЛ, ТУРКИЯ БОШ ВАЗИРИ ТАНСУ ЧИЛЛЕР, ТУРКИЯ РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ СУЛАЙМОН ДЕМИРЕЛ ҲАМ ЎЗБЕКISTONDA БЎЛДИ. 2003 ЙИЛДА РЕЖЕП ТАЙЙИП ЭРДОҒАН (ЎША ПАЙТДА ТУРКИЯ БОШ ВАЗИРИ СИФАТИДА) ЎЗБЕКISTONGA КЕЛДИ.

Икки мамлакат ўртасидаги муносабатларнинг бу қадар бой тарихи Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг яқин дўстона алоқаларни ривожлантиришга катта қизиқиш уйғотмаслиги мумкин эмас эди. Шу боис, Туркия Республикаси 1991 йил 16 декабрда Ўзбекистон мустақиллигини дунёда биринчи бўлиб тан олди. 1992 йил 4 мартда икки давлат ўртасида дипломатик муносабатлар ўрна-тилди. 1992 йил апрель ойида Ўзбекистонда очилган хорижий элчихоналарнинг биринчиси Туркия Республикасиники эди. 1993 йил январь ойида Ўзбекистоннинг Туркиядаги элчихонаси очилди.

Мустақил Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислам Каримов бошчилигидаги делегациясининг хорижга илк расмий ташрифи 1991 йил декабрь ойида Туркияга бўлди. 1990 ва 2000 йиллар бошида Ислам Каримов Туркияга бир неча бор ташриф буюрди. Туркия Президенти Тургут Ўзал, Туркия Бош вазири Тансу Чиллер, Туркия Республикаси Президенти Сулаймон Демирел ҳам Ўзбекистонда бўлди. 2003 йилда Режеп Таййип Эрдоған (ўша пайтада Туркия Бош вазири сифатида) Ўзбекистонга келди.

Савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлар-аро қўшма комиссия тузилди. Савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон — Туркия ишбилармонлик ҳамкорлиги кенгаши ташкил қилинди. 1995 йилда Ўзбекистонда Туркиянинг Халқаро ҳамкорлик ва ривожланиш агентлиги, шунингдек, Ўзбекистон ва Туркия тадбиркорлар иттифоқининг ваколатхонаси фаолият кўрсата бошлади. “Савдо ва иқтисодий ҳамкорлик тўғрисида”ги, “Инвестицияларни рағбатлантириш ва ўзаро ҳимоя қилиш тўғрисида”ги, “Икки ёқлама солиққа тортишнинг олдини олиш тўғрисида”ги ҳукуматлараро битимлар имзоланди. 1996 йилда мамлакатларимиз ўртасида Абадий дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартномага имзо чекилди. Ўзбекистонда тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш, қишлоқ ҳўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотларини қайта ишлашга ихтисослашган ўзбек-турк қўшма корхоналари очилди.

Стратегик ҳамкорлик босқичига ўтиш

Ўзбекистон ва Туркия муносабатларидаги туб ўзгариш Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Президенти этиб сайланиши билан боғлиқ, Шавкат Мирзиёев мамлакат Президенти вазифасини бажарувчи бўлиб турган 2016 йил ноябрда-ёқ турк етакчиси Ўзбекистонга келди. Кейинчалик Ўзбекистон ва Туркия раҳбарлари 2017 йил май ойида Хитойдаги “Бир макон, бир йўл” форумида, ўша йил сентябрь ойида Остона шаҳрида Ислам ҳамкорлик ташкилотининг фан ва технологиялар бўйича биринчи саммити доирасида, БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида яна учрашди. Узоқ йиллик танаффусдан сўнг 2017 йил октябрда Ўзбекистон раҳбари Туркияга ташриф

юборгани ҳам юқоридаги келишувнинг долзарблигини кўрсата олади.

Ташриф доирасида Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ва Туркия “Эксимбанк”и турк етакчи берувчилари ва пудратчилари иштирокидаги инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш учун 250 миллион долларлик заём жалб қилиш бўйича битим имзоланди. “Узсаноатқурилиш-банк” эса “Эксимбанк” билан 26 миллион долларлик кредит битими тузди. “Асакабанк” ва Туркия Экспорт-импорт банки ўртасида кичик ва ўрта бизнес лойиҳаларини молиялаштириш учун 24 миллион долларлик заём кредит битими тузилди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси ва Туркия Энергетика ва табиий ресурслар вазирлиги ўртасида геология-қидирув ишларини ўтказиш бўйича келишув имзоланди. Шунингдек, Ўзбекистон халқаро ислом академияси, Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази ва Ўзбекистондаги ислом цивилизацияси маркази инфратузилмасини ривожлантириш бўйича ҳамкорликка доир келишувга эришилди. Бу эса Ўзбекистонда зиярат туризмни фаол ривожлантиришга имкон беради.

Ҳамкорликнинг иқтисодий динамикаси

Сунги йиллардаги фаол ҳамкорлик мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқа-

2016-2021 йилларда Ўзбекистоннинг Туркия билан савдоси



Ҳоким ёрдамчилари Президентнинг маҳалладаги вакиллари ҳисобланади. Уларнинг асосий вазифаси ўз маҳалласида тадбиркорликни ривожлантириш, иш ўрни яратиш, камбағалликни қисқартириш ва оилалар даромадини кўпайтиришдан иборат.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

ПРЕЗИДЕНТ ТАШАББУСЛАРИ – АМАЛДА

ҚОРАКЎЛ МАҲАЛЛАЛАРИДАГИ ЖЎШҚИН МУҲИТ

Ҳоким ёрдамчилари иш бошлаганига 90 кун бўлди

Гуличеҳра ДУРДИЕВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Бухоро вилояти Қоракўл туманидаги Қозон қишлоғилик Асрор Ёдгоров маҳалласида жорий этилган янги тизимдан қутилмаганда барака топди. Бунинг тарихи қисқа, лекин олис қишлоқлардаги у каби оддий одамлар ҳаётини ўзгартириш, ҳаётдан рози яшашни таъминлашга қадар бўлган йўл улуғвор, мазмунли ва машаққатли экани рост. Бу халқимиз ҳаётини яхшилаш йўлидаги Янги Ўзбекистон тарққийёт стратегияси биринчи мақсаднинг илк самарасидир.

Гапнинг индаллосини айтадиган бўлсак, ҳар бир оиллага барака олиб киришга бел боғлаган ҳоким ёрдамчилари фаолиятини бошлаганига энди тўқсон кун бўлса-да, аллақачон маҳалла аҳлига, фаол ва жонқуярлари эса элга танилиб улгурди.

Ҳоким ёрдамчилари иш бошлагани яхшилар яхшиликка йўли, ғанилар физку фасод чангини қокди. Нима бўлганда ҳам бугун ҳоким ёрдамчилари халқ ичида юрибди, оддий одамлар ҳаётини ўрганипти, муаммоларини тинглаб, тадбиркорликка руҳлантирмоқда, бу йўлда уларга ёрдам берапти.

Бунга мисолларни ҳар бир маҳалладан келтириш мумкин. Дарвоқе, Асрорнинг ҳаётига ҳеч қутилмаганда кириб келган баракага қайтсак.

— Пулим йўқлиги боис, ёлланиб ишлашга мажбур эдим. Ҳеч қандай югур-югур ва оворгарчиликсиз мотокультиватор оласан, дейиш-ганида ишонмагандим, — дейди Асрор Ёдгоров. — Қимларгадир кераклигини ҳис этиб яшаш қандай яхши. Чунки бир вақтнинг ўзида ҳам мотокультиваторли, ҳам доимий даромадли бўлдим. Шу тариқа оиламга, ота-онамга ёрдамим тегмоқда.

Қозон ва унинг атрофидаги қишлоқларда мотокультиватори бор одам аҳоли томорқачиликни ҳар бир сотихини 15-20 минг сўмдан ҳайдаб беради. Кунига 10 сотих ер ҳайдаса, ойига 6 миллион сўмгача пул топиши мумкин. Қишлоқ шариоатида бу пулнинг қиймати Тошкентдаги кундалик харажат билан солиштирганда 20 миллион сўм маоша тенглашади.

— Ҳозирги кунда туманимиздаги 50 та маҳалла фуқаролар йиғинида ҳоким ёрдамчилари фаолият юритмоқда, — дейди Қоракўл тумани ҳокими Хуршид Тоҳиров. — Улар уйма-уй юриб, ишни эҳтижманд оилаларга ёрдам беришдан бошлади. Бу жараёнда, аввало, ишсиз фуқароларнинг бандлиги таъминланмоқда. “Маҳаллабай” ишлаш

тизими аҳоли муаммолари ечимининг асосий қисми экани амалда ўз ишотини топиб улгурди. Бу эса баъзи одамлар онгидаги боқимандалик, “нима бўлса бўлар, менга нима”, деган кайфиятнинг барҳам топаётганидан ва уларда ишлашга хоҳиш уйғониб, ҳалол меҳнат билан даромад топиш истаги кучайиб бораётганидан далолат. Аҳоли учун муносиб яшаш шароитини яратиш бош мақсад бўлса, бу мақсаднинг асосида ҳар бир оила тақдирига индивидуал ёндашув туради. “Маҳаллабай” ишлаш тизими айнан аҳолини тадбиркорликка жалб этиш учун муҳим йўналиш, улардаги муаммоларни комплекс ечиш учун имконият яратди. Ҳоким ёрдамчилари фаолияти эса ислохотлар самарадорлигини ошириш, маҳаллаларнинг ютуқ ва камчиликларига алоҳида ракурстан қараш демакдир.

Қоракўл туманида ўзига хос тажриба ҳам шаклланди. Яъни аҳоли турмуш даражасини юксалтириш учун асосий драйвер йўналишлар белгилаб олиниб, ҳар бир маҳалла алоҳида соҳаларга ихтисослашган. Масалан, Хўжалар маҳалласида сервис, Хўжақонда халқ хунармандлиги, Дўстликда уй меҳмонхоналар хизмати ривожланиётган бўлса, Оқолтин маҳалласи чорвачилик ва иссиқхоналар, Солур эса мева ва боғдорчиликка ихтисослашгани билан ажралиб туради.

Янги лавозим эгалари қай тарзда ишламоқда?

— Президентимиз шу йил 15 январь кунини ўтказилган видеоселектор йиғинида бизга маҳаллада қандай ишлар қилишимиз кераклигини аниқ белгилаб берди, — дейди “Оқолтин” МФИдаги ҳоким ёрдамчиси Умиджон Баракаев. — Шу асосда амалий ишларни бошлаб юбордик. Уйма-уй юриш орқали намунали, ўрта ва эҳтижманд хонадонларни аниқлаб олдик. Эҳтижманд



оилаларга кўмак беришга киришдик. Ҳар бир фуқаронинг қизиқиш ва касб салоҳиятидан келиб чиқиб, аввало, худдада илгари мавжуд бўлмаган хизмат турлари ташкил этилиб, бандлик таъминланмоқда.

Умиджон Баракаев йил бошидан буён маҳалладаги 90 фойдан зиёд аҳоли вакиллари билан учрашиб, 20 дан ортиқ хотин-қизини “Garden Tex” тўқимачилик корхонасига ишга жойлаштиришга эришди. Шунингдек, у худдада кооперация ташкил этишга ташаббускор тадбиркорларни жалб этган ҳолда, одамларга парранда ва унинг озқусини бериш орқали ойига 2 миллион сўм даромад олиш тақдирини илгари сурди. Айни дамда соҳа мутахассислари аҳолини парранда боқишга ўргатмоқда.

Хатлов давомиди чорвачилик билан шуғулланиш истагини билдирган 37 та оилаларга насли қорамол, 6 та хонадонга қўй-эчки ва 42 хонадонга 5 тадан қурка тарқатилди, яна битта фуқарога субсидия асосида иссиқхона қуриб берилди. Урганлишлар давомиди маҳаллада бир километрга яқин йўл таъмиртаб-лаб экани аниқланди. 42-умумтаълим мактабига олиб борадиган бу йўлдан ўқитувчи ва ўқувчилар қишда лой, ёзда туپроқ кечиб келарди. Ниҳоят шу йўлга ҳам шўғул бўлишга эришилди.

Солур маҳалласида ҳоким ёрдамчиси лавозимда иш бошлаган Ихтиёр Бердиев ҳам маҳалладошлари розилиги йўлида мавжуд муаммоларни ҳал қилиш ҳаракатида олиб-югурмоқда. Унинг ташаббуси билан маҳаллада янги соҳага кўл урилиб, ўнлаб хонадонлар бандлиги, тўқин-сочинлигига эришилмоқда.

Гап шундаки, кооперациялар орқали аҳолига ҳўл мевани қуриштиш ускунаси берилди. Қиш фаслида тадбиркор томонидан етказиб бериладиган топинамбур, ёзда ҳўл мевани қуриштиш орқали ҳар бир оила кунига 170-180 минг, ойига эса 5 миллион сўм атрофида даромад олиш имконига эга бўлди.

— Юртимизда “Инсон қадри учун” таъмоили асосида амалга оширилаётган чора-тадбирлар бугун ўз самарасини кўрсатмоқда. Давлатимиз раҳбарининг ҳоким ёрдамчилари фаолиятини йўлга қўйиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашни кўзда тутиган фармони ва ҳўкуматнинг мазкур ҳўжжатга ҳамоҳанг қабул қилинган қарори ҳоким ёрдамчилари зиммасига масъулият юклаш баробарида кейинги фаолиятимизда ҳам муҳим аҳамият касб этади, — дейди Ихтиёр Бердиев.

Яқинда тумандаги ҳоким ёрдамчилари томонидан ўтказилган хатлов натижасида ўз бизнесини бошлаш, тадбиркорлик билан шуғулланишга қийналаётган фуқаролар рўйхати шакллантирилиб, туман ҳокимига берилди. Ҳоким рўйхатидаги 62 фуқаро билан суҳбатлашиб, келгуси режалари билан қизиқди ва уларга 46 та мотороллер ҳамда 16 та мотокультиватор кредит асосида топширилди.

Қоракўл туманидаги маҳаллаларда ҳаёт жўшқин давом этмоқда, одамларнинг дунёқарашини ўзгарган — яхши яшашга интилиши кучайган. Албатта, муаммолар ҳам бор. Уларни ҳал қилиш учун ҳоким ёрдамчилари зиммасида катта масъулият турибди. Демак, ҳали ишлар олдинда.



ЯНГИЧА ЁНДАШУВЛАР

ЖОЗИБАДОР ЛОЙИХАЛАР

аҳоли турмуш фаровонлигига хизмат қилмоқда

Юртимизда туркиялик сармоядорлар билан ҳамкорликда ташкил этилаётган корхоналар сони тобора кўпаймоқда. Эътиборлиси, бу бизнес лойиҳалар жозибadorлиги билан кўпчиликка маъқул тушяпти. Долзарблиги, маҳаллий шарт-шароитга мослиги, ижтимоий аҳамияти боис, улар иқтисодий имкониятини мустаҳкамлашга қарамбаста бўлмоқда. Бухоро туманидаги “Bukhara-Varnet” қўшма корхонаси ана шундай субъектлардан бири. Унинг “Ташаббус-2021” аънанавий кўрик-танлови вилоят босқичида ғолиблар қаторидан ўрин олганининг ўзиёқ кўп нарсани аниқлатади.

Рустам ИБРОҲИМОВ,
журналист

Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 10 июлдаги қарори билан “Бухоро-агро” эркин иқтисодий зонаси барпо этилган эди. Қарорга мувофиқ, иқтисодий зона учун ажратилган уч минг гектар майдонда қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етиштириш, бунда тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этиш кўзда тутилган. Сармоядорлар учун зарур шарт-шароитлар яратилган. “Bukhara-Varnet” шу иқтисодий зонада қад ростилаётган қалдиғоч корхоналардан саналади. Бу ерда гидророника усулида қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етиштириляпти.

— Бундан тўрт-беш йил аввал корхонамиз ўрнида шўр босиб ётган қумлоқ ерни қуриш мумкин эди, — дейди корхона раҳбари Бешим Ҳамроев. — Лекин инсон қўлигил, дейишгани бежиз эмас. Биз мана шу ташландиқ ерда вилоятда ўхшаши бўлмаган ойнаванд замонавий иссиқхона ҳўжалигини барпо этдик. 30 гектар ерда иссиқхона қурилди. Айни дамда шўнинг 16 гектари тўла қувватда ишламоқда. Истиқболли лойиҳа рўёби учун жами 80,2 миллион евро миқдоридаги хорижий инвестиция киритилди. 400 кишининг бандлиги таъминланди. Истиқболда бу кўрсаткични 2000 дан ошириш ниятидамиз. Ишчиларнинг дам олиши, овқатланиши учун зарур барча шароит яратилган.

Жорий йилнинг ўтган даврида 1600 тонна помидор хорижий бюртмачиларга етказиб берилди. Маҳсулот кимёвий арашмалардан холи. Экологик тоза бўлгани боис, унга талаб катта.

— Бу йирек лойиҳани ўзбек-турк ҳамкорлигининг энг яхши намунаси деб биламан, — дейди корхона агрономи

Ишчан Сенан. — Биз ўз тажрибамизни ўзбек биродарларимиз билан баҳам қуриб, қаровсиз, шўрхўк ётган ерлардан ҳам мўл ҳосил олиш, шу йўл орқали аҳоли турмуш фаровонлигига хисса қўиши мумкинлигини амалда кўрсатяпти. Корхонамизда барча иш жараёни автоматлаштирилган. Ҳар бир кўчат 20-25 дона ҳосил беради.

“Bukhara-Varnet” қўшма корхонаси учун эркин иқтисодий зонадан салкам 113 гектар ер ажратилган. Корхона тўлик ишга тушган, бу ерда йилгига қарий 34 минг тонна маҳсулот етиштириш имконияти юзага келади. Табиийки, янги иш ўринлари яратилади.

— Президентимиз ўтган йилнинг январидида вилоятимизга ташрифи чоғида корхонамизда бўлиб, иш жараёни билан яқиндан танишган эди, — дейди Б.Ҳамроев. — Қимматли маслаҳатлар бериб, соҳага профессионал кадрлар тайёрлаш, бандлик, зарур ускуналарни маҳаллийлаштириш каби масалаларга эътибор қаратганди. Шўни назарда тутиган ҳолда, янги-янги лойиҳалар устиди ишлаяптимиз.

Чўноччи, иссиқхоналарга малакали мутахассислар тайёрлаш учун замонавий ўқув комплекси барпо этилди. Иссиқхоналар учун конструкцияларни шў ернинг ўзида ишлаб чиқариш тадориги кўрилди. Бу маҳсулот таннархини арзонлаштириш имконини беради.

Ўқув мажмуасида тахсил олган талабалар шў ернинг ўзида амалиёт ўтатишлари учун 72 та бир сотихли иссиқхоналар барпо этилди. Аҳоли учун беш хонали замонавий уй, ихчам иссиқхоналар қуриб беришга киришилди. Истиқболда эса ҳар қарч ердан унумли фойдаланилган ҳолда ости балиқхона, атрофида цитрус мевалар, усти қисмида полиз маҳсулотлари етиштиришга мослашган иссиқхоналар ҳам барпо этиш кўзда тутилмоқда. Буларнинг барчаси, шак-шўбасиз, ён-атрофдаги қишлоқларда бандлик масаласини ҳал этишга, вилоятнинг экспорт салоҳиятини, аҳолининг турмуш даражасини оширишга, пировардида, одамларнинг ўз ҳаётидан рози бўлиб яшашига хизмат қилади.



БУГУННИНГ ГАПИ

Азимбек САМАДОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

ФАЙЗУ БАРАКА МАНБАИ

Бугун сурхондарёлик томорқа ер эгалари “Эртанинг тадоригини бугун кўр” ҳикматиға амал қилган ҳолда ишламоқда. Вилоятдаги экин майдонларининг 49,5 минг гектарини томорқалар ташкил этади. Аллақачон баҳорий яшилликка бурканган 27,9 минг гектар томорқада ўтган йил октябрь-декабрь ойларида тўқсонотики сабзавот экилган. Вилоят бўйича жорий йил давомида 436,8 минг тонна қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етиштириш кўзда тутилган.



Жорий йил якунига қадар хонадонларда 106,9 гектар майдонда енгил конструкцияли 8220 та ихчам иссиқхона қуриш режалаштирилган. Шўнингдек, аҳоли тажрибасидан келиб чиққан ҳолда 514 та маҳалла “Бир маҳалла — бир маҳсулот” таъмоилига ихтисослаштириш орқали томорқадан йилгига 3 мартача ҳўсил олиш йўлга қўйилди.

— Йигирма икки сотих томорқамизда йил-ўн икки ой деҳқончилик қиламиз, — дейди Бойсун туманидаги Пулҳоким маҳалласида яшовчи Қўдратилло Маматқуллов. — Ҳозир ўн бир сотих очик майдонда картошка ва пивёз, икки сотих иссиқхонамизда эса лимон етиштирялмиш. Оиламиз билан олти сотих интенсив боғ қилиб, олпа, хурмо, ўрик, шафтоли эканмиш. Хонадонимизда олти бош қорамол, ўн беш бош қўй-эчки ва саксонта парранда бор. Деҳқончилиги чоравачилиқдан бир йилда 55-60 миллион сўмдан ортиқ даромад оляптим. Бу эса дастурхонимиз тўқинлиги ҳамда фаровон турмушимизни таъминляпти.

Томорқачилик кластери

Аҳолининг деҳқончилик маданиятини шакллантириш, соҳага энг илғор тажрибаларни қўллашда жойлардаги “Томорқа хизмати” корхоналарининг ўрни катта бўлмоқда. Жумладан, 2018-2021 йиллар давомида вилоятда 71 та ана шундай тадбиркорлик тузилмаси иш бошлади. Бу корхоналар аҳоли томорқаларига шартнома асосида уруғлик, кўчат ва минерал ўғит етказиб бермоқда. Шу билан бирга, ер ҳайдаш, экин экиш, ихчам иссиқхоналар қуриш, парранда, асалари уяси, насли қорамол, қўй ва эчки етказиб беришда аҳолига яқин ва ишончли кўмақдош бўлмоқда. Хонадонларда етиштирилган маҳсулотларни ички ва ташқи бозорда сотишда “Томорқа хизмати”

корхоналари мададор. Ўтган йили ушбу корхоналар неғизда 4 та томорқачилик кластери ташкил этилди. Натижада деҳқон боғбон, томорқа ер эгаси етиштирган маҳсулотларни қуриштиш, саралаш, қадоклаш каби хизмат турлари ва сифати янада яхшиланди.

Албатта, бу ютуқларга эришишда давлат томонидан кўрсатилётган ёрдам муҳим аҳамият касб этмоқда. Хусусан, Президентимизнинг 2021 йил 16 декабрдаги “Томорқадан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, шўнингдек, аҳолининг тадбиркорлик ташаббусларини молиявий қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори томорқадан самарали фойдаланиш учун зарур шарт-шароитлар яратмоқда. Масалан, томорқалардан олинаётган ҳосил ҳажмининг янада оширишга эришиш, аҳолининг тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш мақсадлари учун давлат томонидан 95,5 миллиард сўм имтиёзли кредит ажратилиши белгиланган.

Бу кредитлар, ўз навбатида, томорқа ер эгаларига 100 та товук, 5-10 та қурка, 20 бош қўён, 5-6 бош қўй ва эчки, 5 та асалари уяси харид қилиш, интенсив усулда балиқ боқишни йўлга қўйиш, ихчам иссиқхоналар, “дала дўконлари” қуришга ажратилади.

Ишнинг ўзиниғина эмас, кўзини ҳам биладиганлар

Шў йил бошидан буён амалиётга таъбиқ этилган маҳалладаги ҳоким ёрдамчиси фаолияти бу борадаги ишларни “хонадонбай” амалга оширишга имконият бераётир. Ҳоким ёрдамчиси тавсияси билан “Томорқа хизмати” МЧЖларга уруғлик, кўчат, мотокультиватор ва минитрактор, инкубатор харид қилиш ҳамда айланма маблағ учун 300 миллион сўмгача гаровсиз

кредит ажратилмоқда. Шўнингдек, етакчи тадбиркорлик субъектларига томорқаларда етиштирилган қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини харид қилиш учун айланма маблағларни тўлдиршида кредитлар ажратилиши кўзда тутилган. Юқоридаги қарор ижроси доирасида жорий йилда яна 4 та томорқачилик кластери фаолиятини йўлга қўйиш, сув таъминоти нисбатан оғир худудлардаги томорқаларни сўғориш учун 143 та вертикал сўғориш кудуги қазिश режалаштирилган.

— Бугун ислохотлар чин маънода маҳаллага кириб борди, — дейди намунали томорқа ер эгаси сифатида эътироф этилган Акмал Маматмуьинов. — Ер — битмас-туганмас хазина. Буни билган киши омилкорлик билан ишлаша, ҳам ўзи, ҳам элга наф келтиради. Ўзим мисолима айтаётган бўлсам, йигирма ўн сотих томорқамиздан баракали ҳосил оляптим. Ҳозир ўн беш сотихда экспортбоп қарам етиштирялмиш. Бундан ташқари, мўъжазгина иссиқхонамизда помидор ва бодиринг экканмиш. Олти сотих боғимизда турли мевали дарактлар бор. Томорқамизда йилгига 70 миллион сўмгача қўшимча даромад қўряптим.

Сурхондарёда Акмал ака сингари миришкор томорқа ер эгалари қўллаб топилади. Бандихон туманидаги Чинор маҳалласида яшовчи Бахтиёр Қодиров ҳам ишнинг кўзини биладиган инсонлардан. Ҳозир унинг етти сотихли иссиқхонаси бор. Бу ердан аллақачон булғор қалампир ва помидорнинг илк ҳосили олинди. Томорқанинг бир четиди эса сабзи ва кўкатлар яшшаб турибди. Бир томонда кичик интенсив боғ бор.

Узн туманилик Раҳматулло Қоржовов ўз хонадонидида мўъжазгина қўл ташкил этган. Дастлаб қизиқтирдан бошланган иш оилага яхшигина даромад келтирмоқда. Бугунги кунда у эл дастурхонига йилгига ўн-ўн икки тонна балиқ етказиб бермоқда. Қаловини топсанг қор ҳам ёнади, деганларидий, омилкорлик билан иш тутаетган Раҳматулло бир парча ердан 200 миллион сўмгача даромад толяпти.

Харакатда — баракат, дейишади! Яратилаётган имкониятлардан оқилона фойдаланган ҳолда, сурхондарёликлар ҳам барака топмоқда, ҳам дастурхонимиз тўқин-сочинлигини таъминлашга муносиб хисса қўшмоқда.

ТИББИЁТ ТАЪЛИМИ

БЕМОР УЧУН СЎЗ ҲАМ МАЛҲАМ

малакали мутахассис тайёрлаш ҳаётини мақсадимиз ва маслагимиз

Давлатимиз раҳбарининг бу йил 18 март куни тиббиёт ходимлари билан учрашуви Инсон кадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йилидаги асосий мулоқотлардан бири бўлди. Юртимизда фуқаролар саломатлигига эътибор инсонни кадрлаш тамойилининг узвий қисмидир. Зотан, халқ соғлом ва баркамол бўлса, мамлакат ўз олдига қўйган юксак марраларга эриша олади. Бунинг учун миллий тиббиёт, соғлиқни сақлаш тизими фаолияти тўғрисида қўйилган бўлиши зарур.



Алишер ШОДМОНОВ,
Тошкент тиббиёт академияси ректори

Мазкур мулоқотда соғлиқни сақлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш, янги босқичга олиб чиқишга қаратилган келгусида бажарилиши зарур бўлган 7 та устувор йўналишдаги вазифалар санаб ўтилди.

Президентимиз бундан беш йил аввал — 2017 йил 6 январь куни Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва соҳа вакиллари билан учрашувда тизимда ўз ечимини кутаётган қатор муаммоларга тўхталиб, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, юқори малакали тиббий ёрдам курсатиш йўналишларидан фуқаролар рози эмаслигини айтганди. Бу гаплар очик ҳақиқат эди. Чунки 2016 йилнинг сўнгги икки-уч ойида

Виртуал қабулхонага юрдошларимиздан соҳага тегишли етти мингдан зиёд мурожаат келиб тушган. Уша пайтларда нафақат тиббиёт ходимлари, балки аҳолининг барча қатламида, беморларда тушкунлик кайфияти, пессимизм авж олганини эсламасликнинг илжои йўқ.

Ушундан беш йилда, туб ислохотларнинг дастлабки кунларидан бошлаб, халқимиз соғлигини мустаҳкамлашга энг устувор вазифа деб қаралди, хорижий ютуқлар ўрганилиб, миллий тиббиётга жорий этилди. Шифохоналар, тиббий таълим муассасаларининг моддий-техник базаси яхшиланди, замонавий ускуналар билан таъминланди. Шифокор ва ҳамшираларнинг хориждаги нуфузли клиника ва университетларда малака ошириши учун етарли шарт шарт яратилди. Шунингдек, юртимизда тиббиёт ходимларининг малакасини ошириш бўйича янги тизим жорий этилди. Мана шу сўз-ҳаракатлар ҳамда шифокорларнинг халқ орасига кириб, аҳоли саломатлигини ўрганишнинг “хонадонбай” тизимига ўтилгани, олис ва чекка қишлоқларга ишга борадиган битирувчилар учун “Қишлоқ шифокори” дастури қўллана бошлангани, соғлиқни сақлаш соҳаси вакиллари маоши, моддий таъминотига эътибор қаратилгани аҳолининг, жумладан, тиббиёт ходимларининг эртанги кунга ишончини оширди. Ҳатто пандемия давридаги оқилона сиёсат туғайли иқтисодий тизимиз ҳам, халқимиз ҳам кўп талафот кўрмади.

Мамлакатимиз иқтисодий ҳаётида соғлиқни сақлаш соҳаси муҳим ўрин тутиши, соғлом авлод келажаги айнан шу тизимнинг самарали фаолиятига чамбарчас боғлиқ эканини ҳисобга олиб, келгуси беш йилда ҳам аҳолини сифатли ва малакали тиббий хизмат билан таъминлаш, соғлом турмуш тарзини кенг

қарор топтириш Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида энг муҳим йўналиш сифатида белгиланган. Бу эса халқнинг розилигига, соҳанинг янги босқичга кўтарилишига хизмат қилади.

Очик мулоқотда соғлиқни сақлаш муассасаларини малакали кадрлар билан таъминлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, тизимдаги шифокорларнинг 45 фоизи, ҳамшираларнинг эса 40 фоизи малака тоифасига эга эмаслиги, шунингдек, кўп муассасаларда мутахассис етишмаслиги сабабли 2022-2023 ўқув йилидан тиббиёт олийгоҳларига давлат грантлари асосида қабул квоталари ҳудудларда шифокорларга бўлган ҳақиқий эҳтиёждан келиб чиқиб, мақсадли ошириб борилади. Бу айни бугундан кечиктириб бўлмайдиган вазифа эди. Сабаби, квоталарни шакллантиришда тиббиёт соҳаси кадрлари ҳудудлардаги эҳтиёж ҳисобга олинмаслиги туғайли катта бўшлиқ юзага

йўналишдан ташқари ижросини асло кечиктириб бўлмайдиган яна бир неча вазифа белгилаб берилди. Соғлиқни сақлаш тизимини коррупциядан холи соҳага айлантириш шулар жумласидан. Бу йўналишда Тошкент тиббиёт академиясида ҳам тегишли ишлар бошланган. Хусусан, ходимларни ишга қабул қилишда янги тизим жорий этилган. Ишга киришга номзодни ходимлар сифига қабул қилиш жараёни махсус кенгаш қарори билан амалга ошади. Бундан ташқари, йигит-қизларни магистратура ва клиник ординатурага имтиҳон орқали қабул жараёнида инсон омили иштирок этмайди. Бу борада тўлиқ компьютерлашган тизим жорий этилган.

Мулоқотда яна бир масалага эътибор қаратилди. Давлатимиз раҳбари тиббий таълим тизимига “Тиббиёт ходимларининг маънавияти”, “Шифокор маданияти” каби махсус курслар киритиш зарурлигини таъкидлади. Бу ҳам бугунги кун

“ТИЗИМДАГИ ШИФОКОРЛАРНИНГ 45 ФОИЗИ, ҲАМШИРАЛАРНИНГ ЭСА 40 ФОИЗИ МАЛАКА ТОИФАСИГА ЭГА ЭМАСЛИГИ, ШУНИНГДЕК, КЎП МУАССАСАЛАРДА МУТАХАССИС ЕТИШМАСЛИГИ САБАБЛИ 2022-2023 ЎҚУВ ЙИЛИДАН ТИББИЁТ ОЛИЙҒОҲЛАРИГА ДАВЛАТ ГРАНТЛАРИ АСОСИДА ҚАБУЛ КВОТАЛАРИ ҲУДУДЛАРДА ШИФОКОРЛАРГА БЎЛГАН ҲАҚИҚИЙ ЭҲТИЁЖДАН КЕЛИБ ЧИҚИБ, МАҚСАДЛИ ОШИРИБ БОРИЛАДИ. БУ АЙНИ БУГУНДАН КЕЧИКТИРИБ БЎЛМАЙДИГАН ВАЗИФА ЭДИ.

келган. Ҳозир мамлакатимизнинг чекка ҳудудларига моддий рағбатни ошириш звазига бошқа вилоятлардаги шифокорлар юборилаётгани ҳам мазкур зарурат ҳосиласи.

Шунингдек, мулоқотда 11 та тиббиёт олийгоҳида опти ойллик ихтисослашган курслар ташкил этилиб, ҳар йили 500 нафардан оилавий шифокори ҳудудларда энг зарур тор соҳа мутахассислиги бўйича мақсадли ўқитиш дастури амалга оширилиши ҳақида сўз борди. Бу бўйича олий таълим муассасамиз олдида ҳам муайян вазифалар турибди. Уларнинг ижросига изчил киришганмиз.

Мазкур очик мулоқотда амалга оширилиши зарур бўлган етти та устувор

талаби. Сабаби, мутахассис ўз соҳасини чуқур билиш билан бирга, юксак маънавият, гўзал хулқ-атворга эга бўлиши зарур. Чунки шифокорнинг ширин сўзи, хушмуомаласи баъзан дори-дармондан ҳам кўпроқ наф келтиради.

Хулоса қилиб айтганда, олдимизга қўйилган вазифаларни сизидан қўлдан бажариш, жумладан, катта оруз-ният билан олийгоҳимизга ўқишга кирган йигит-қизларни маънавий дунёси гўзал, касбини пухта эгаллаган, беморлар билан юксак мулоқот маданиятига эга, ўқиб, излаб, янгиликка интилишдан чарчамайдиган шифокорлар этиб тайёрлашни ҳаётини мақсадимиз ва маслагимизга айлантирамиз.

ИЛМ-ФАН

ВОЛЬФРАМ НАНОКУКУНИ

кашфиётчи ҳеч ким ўйламаган нарсани ўйлайди

Шаҳзод ҒАФФОРОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

“Кашфиётчи ҳам бошқалар кўрган нарсани кўради, лекин хали ҳеч кимнинг хаёлига келмаган нарсани ўйлайди”, деган эди машҳур биохимик олим, Нобель мукофоти лауреати Альберт Сент-Дьёрди. Дарҳақиқат, ҳеч ким эътибор қилмаган ана шундай жиҳатларни илгари учун ҳам олимлар илм-фан ва иқтисодий ривожига, энг муҳими, инсонлар фаровонлигига хизмат қиладиган муҳим кашфиётлар, ихтиролар қилади.

“Олмалик кон-металлургия комбинати” АЖ Нодир металллар ва қаттиқ қотишмалар илмий ишлаб чиқариш бирлашмасининг ишлаб чиқариш бўйича директор ўринбосари сифатида фаолият юритаётган Улугбек Рўзиев ана шундай илмий кашфиётлари билан мамлакатимизда кимё ва физика фанлари ривожига ҳисса қўшишга интилаётган иқтидорли олимлардан.

Ҳозирда 36 ёшни қаршилаган тадқиқотчи болагидан турли техник қурilmалар ясашга жуда қизиққан. Радиотехника макетлари унинг ўша вақтлардаги илк “ихтироси” бўлди. Ёшлиқдаги бу қизиқиш мактаб тахсилидан сўнг уни Тошкент ахборот технологиялари университетига етказди. Имтиҳонларни муваффақиятли топшириб, мазкур олий таълим муассасасининг талабаси бўлди. Бакалавр босқичидан сўнг университетнинг магистратурасида ҳам тахсил олди. Шундан сўнг Москва миллий тадқиқот технологиялари университети (“МИСиС”) магистратура босқичини ҳам муваффақиятли тамомлади.

2019 йилда “Едирилишга юқори чидамли WC-VC-Co (вольфрам карбид-ванадий карбид-кобальт) системали қаттиқ қотишмалар яратиш мавзусида диссертация ёқлаб, техника фанлари бўйича фалсафа доктори илмий даражасига эришди.

Изланиш ва ўрганишдан ҳеч ҳам

етақчилик қилмоқда. Ишлаб чиқарилаётган нанокуюкунларнинг ярмидан кўпи ушбу мамлакат ҳиссасига тўғри келади. Шунингдек, Европа Иттифоқи мамлакатлари, Жанубий Корея, Хитой, Канада, Япония каби давлатларда ҳам бундай махсулотлар ишлаб чиқариш яхши йўлга қўйилган.

Айни пайтда вольфрам, молибден, кобальт, рений каби ноб металлларнинг маҳаллий ресурсларга асосланган концентратларидан яримўтказгич материаллари ва радиотехникада ишлатиладиган махсулотларни ишлаб чиқиш учун 99,99 фоизгача тоза бўлган ноб металлларга талаб ошиб бормоқда. Ана шундай юқори сифатли металл олишда эса нанокуюкундан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга.

— Вольфрам нанокуюкуннинг афзаллиги кўп, — дейди У.Рўзиев. — Оддий вольфрам куюкни ўрнига нанокуюкундан фойдаланилса, қаттиқ қотишманинг мустаҳкамлиги 15 фоиз ошади. Яна бир устун жиҳати, нанокуюкундан фойдаланиб тайёрланган материалдан ишлаб чиқарилган, металлларга ишлов берувчи ва бургиловчи ускуналарнинг ишлаш вақти узайиб, бургилаш тезлиги ошади. Бу эса электр энергияси ҳамда сув сарфини 5-10 фоизгача тежаш имконини беради. Биз тақдим этган усул орқали нанокуюкун олинмиши юқори мустаҳкамликка эга импорт ўрнини босувчи маҳаллий



чарчамайдиган олим ўтган йили ҳам кимё, ҳам физика фани учун муҳим бўлган — қаттиқ қотишмаларга қўшиш учун вольфрам нанокуюкунини олиш усулини кашф қилди. Бунинг учун патент ҳам олди.

Вольфрам қаттиқ қотишмаларда, катализаторларда ва пўлат ишлаб чиқаришда кенг қўлланиладиган металл. Вольфрам нанокуюкун эса мазкур металнинг жуда майда куюкни. Бунда заррачалар ўлчами 100 нанометрига тақриб эгадир. Мисол учун, одамнинг соч қалинлиги 20 миң нанометр. Вольфрам нано ўлчамга кичиклаштирилган да хусусиятлари тубдан ўзгаради, ярим ўтказгич хусусиятларга эга бўлади.

— Дунёда вольфрам нанокуюкунимёвий, водород плазма ва бошқа усулларда олинади, — дейди Улугбек Рўзиев. — Биз ишлаб чиққан усулда вольфрам нанокуюкунини синтез қилиш учун карботермик қайта тиклаш усули қўлланилади. Дастлабки материалларга уч зонали печда юқори ҳароратда ва вакуум остида термик ишлов берилади ҳамда аргон ва водород газлари билан қайта тикланади. Ҳам кимёвий, ҳам физикавий мазкур жараёнда нанокуюкун олинади. Бу санаот учун фойдаланишда энг арзон ва қулай усуллардан саналади. Бунда водород сарфи тежалди. Бизнинг усул маҳаллий хомашёга мослаштирилган ва қаттиқ қотишмалар ишлаб чиқариш учун жуда қулай. Бу усулда нанокуюкуннинг таркибида карбид ва ярим карбид фракциялари қаттиқ қотишманинг қайта кристалланиш жараёнида фаол иштирок этади. Натижада юқори мустаҳкамликдаги қотишма ҳосил бўлади. Ундан жуда зич материаллар ишлаб чиқариш мумкин. Бу материаллардан эса, ўз навбатида, импорт ўрнини босувчи металл ишлов берувчи ва бургиловчи ускуналар, электроэрозияга чидамли материаллар ишлаб чиқаришда фойдаланилади.

Бугунги кунда турли хил нанокуюкунлар ишлаб чиқариш бозорида АҚШ

материаллар ишлаб чиқаришда қўл келади.

Ушбу технология асосида олинаётган нанокуюкун Олмалик кон-металлургия комбинатида қаттиқ қотишмаларни ишлаб чиқаришда фойдаланилмоқда ҳамда уларнинг физик-механик хусусиятлари ошишига хизмат қилмоқда. Бундай усулда тайёрланган қаттиқ қотишмаларни мамлакатимиздаги 70 га яқин корхона харид қилапти.

Яна бир гап. Қаттиқ қотишмаларга қўшиш учун вольфрам нанокуюкунини олиш усули Жанубий Кореянинг Нодир металлургия институти (KIRAM)нинг қизиқишига ҳам сабаб бўлди. Мазкур усулни кенг йўлга қўйиш борасида институт билан ҳамкорликка иш олиб борилмоқда.

Иқтидорли олим айни кунларда мамлакатимизда ривожланиб бораётган янги турдаги композит материаллардан юқори сифатли вольфрам, молибден, кобальт, рений таркибли махсулот турларини яратиш ҳамда ишлаб чиқаришга жорий этиш ишларини давом эттириб, машинасозлик, металлургия, радиотехника соҳаларида ҳам изланиш ўтказмоқда.

Улугбек Рўзиев сингари олимлар эришаётган бундай натижалар замирида Президентимиз бошчилигида таълим, илм-фан, хусусан, кимё ва физика фанларига қаратилган эътибор мумкин.

Мазкур фанларни ўқитиш сифатини ошириш, таълим жараёнига замонавий услубларни жорий қилиш, иқтидорли ўқувчиларни саралаш, меҳнат бозорида рақобатбардор мутахассислар тайёрлаш, илмий-тадқиқот ва инновацияларни ривожлантириш ҳамда амалий натижадорликка йўналтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Кимё ва физикага ихтисослаштирилган таянч мактаблар очилмоқда, мазкур фанлар чуқурлаштириб ўқитиладиган синфлар ташкил этилди.

Бундай эътибор ва ғамхўрлик ўз самарасини бериб, илм-фан соҳасида ана шундай янгилик, кашфиёт ва ихтиролар янада кўпайишига ишончимиз комил.

ИННОВАЦИЯ

АРХЕОЛОГИК ЁДГОРЛИКЛАРНИ ЎРГАНИШДА ЗАМОНАВИЙ УСУЛЛАР



Отабек ОРИФЖОНОВ,
Санъатшунослик институти катта илмий ходими, археолог, санъатшунослик фанлари бўйича фалсафа доктори

Мамлакатимиз қадимий ва бой тарихга эга бўлиб, унда маданий ривожланишга доир умумтарихий жараён билан бирга, фақат юртимиз ўтмишига хос хусусиятлар ва қонуниятлар ўз аксини топган. Юртимиз ҳудудида сақланиб қолган қадимий масканлар тарихий-маданий изчиллигини ва аънавийликни таъминловчи муҳим омил бўлиб хизмат қилган. Шу омил асосида кейинчалик бу ҳудудда даврий жиҳатдан фарқланувчи, аммо этник ва тарихий-маданий тарафдан мустақкам алоқада бўлган ўзига хос тараққиёт босқичлари шаклланди ҳамда ривожланди.

Биологик, физик-кимёвий технологияларни қўллаган ҳолда тадқиқ этиш ва археологик қазиб олиш ишлари асосан хорижий экспедициялар мутахассислари кўмагида бажарилмоқда. Мамлакатимиз ҳудудидаги қадимий даврга оид археологик ёдгорликларнинг аксарият қисми хом гилт ва пахсадан қурилган мейморий иншоотлар эканини инобатга олсак, уларнинг палеоландшафти ва планиграфисини аниқлашда маҳаллий ўзига хос геофизик ускуналар ишлаб чиқиш зарурати сезилмоқда. Жумладан, бу соҳада миллий кадрлар тайёрлаш, уларда амалий кўникмаларни шакллантириш ва малакасини ошириш талаб этилади.

Археология фанидаги ушбу бўшлиқни тўлдириш мақсадида Фанлар академияси Санъатшунослик институти ва Инновацион ривожланиш вазирлиги қошидаги Илгор технологиялар маркази мутахассислари билан биргаликда “Археологик ёдгорликларни тадқиқ этишда инновацион геофизик, биологик, физик-кимёвий технологияларни қўллаш” номли уч йиллик мақсадли амалий лойиҳа устида тадқиқот олиб борилмоқда.



Археология фанидаги ушбу бўшлиқни тўлдириш мақсадида Фанлар академияси Санъатшунослик институти ва Инновацион ривожланиш вазирлиги қошидаги Илгор технологиялар маркази мутахассислари билан биргаликда “Археологик ёдгорликларни тадқиқ этишда инновацион геофизик, биологик, физик-кимёвий технологияларни қўллаш” номли уч йиллик мақсадли амалий лойиҳа устида тадқиқот олиб бормоқда.



Долзарблиги шундаки, ёдгорликларни аънавий усуллар билан бирга замонавий геофизик методларни қўллаган ҳолда тадқиқ этиш мумкин. Ўрганишлар ёдгорликнинг маданий қатламини геофизик тадқиқ қилиш, унинг тарх тузилиши ва алоҳида археологик объектларни қазиб юйини мақсадли танлаш учун объектни ўрганиш нуктаи назаридан катта маълумот беради.

Бугун мамлакатимизда археологик ёдгорликларни ўрганишда геофизиклар зарарсиз усуллардан фойдаланиш бўйича тажриба жуда кам. Лойиҳа доирасида Санъатшунослик институти археологлари, Илгор технологиялар маркази геофизикалари Сурхондарё вилояти ҳудудидаги Кушон даврига оид археологик ёдгорликларни ўрганишни ўз олдига мақсад қилган.

Ушбу ҳудуд юртимизнинг энг қадимий ва бой тарихга эга жойларидан. Вилоятдаги археологик ёдгорликларни инновацион технологиялардан фойдаланган ҳолда комплекс тадқиқ этиш нафақат бой тарихимизни ўрганишга, балки ёшларни археологик қазилмалар билан таништириш ҳамда очилган қадимий меъморлик намуналарини очик осмон остидаги туризм объектига айлантиришда муҳим манба бўлиб хизмат қилади. Лойиҳани амалга ошириш натижасида инновацион геофизик, биологик, физик-кимёвий технологияларни қўллаган ҳолда, Сурхондарё вилоятидаги Кушон даври ёдгорликлари — Далварзентепа, Қоратепе, Хайрободтепа ва Лойлағанмозор кўрғон ёдгорликларининг палеоландшафти ва планиграфияси аниқланади. Бу эса, ўз навбатида, Кушон даври шаҳарсозлик ва моддий-маданий мерос объектларига оид янги маълумотларни олишига имкон беради.

Тадқиқотлар доирасида Хайрободтепа ва Қоратепе археологик ёдгорликларида GNSS (Сунъий йўлдошли глобал навигация тизими)ни қабул қилувчи ускуна ёрдамида объектларнинг географик координатларини аниқлаш, уларни геофизик маълумотларга боғлаш ва фотограмметрик кўринишини яратишга эришилади. Ушбу илмий натижалар юртимиз ҳудудидаги бошқа — қадимий давр археологик ёдгорликларининг инновацион геофизикавий усулларни қўллаган ҳолда тадқиқ этишда қўл келади. Бу ўз навбатида, туризм соҳасини ривожлантириш, ички ва ташқи сайёҳлар сонининг ортишига, соҳа бўйича миллий кадрларни тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишга хизмат қилади.

ЖАДИДЛАР ҲАЁТИ

Жадидчилик ҳаракатининг йирик намоёндаларидан бири Абдурауф Фитратнинг 1909-1913 йиллардаги ҳаёти Туркияда ўтди. Унинг бу давлатдаги фаолияти тўғрисида гапирибдан олдин, ушбу шахс камолотга етишида катта ўрин тутган оиласи ҳақида тўхталиб ўтсак.

Бухоролик савдогар Абдурахимбой ва маърифатли Бибижон ая (Настарин) оиласида 1886 йилда туғилган Абдурауф вақт ўтиб Фитрат номи билан танилди.

Маълумки, "фитрат" сўзи араб тилидан олинган бўлиб, "ақлу фаросатли", "оқил" деган маъноларни билдиради. Ҳақиқатан Абдурауф Абдурахимбой ўглининг феъл-атвори ва фаолиятида шундай фазилат намоён бўлган.



ҳам бундай зиё масканлари фаолияти йўлга қўйлади.

Бу пайтда Мир Араб мадрасасини тугаллаш арафасида турган Фитрат ўз маслакдош дўстлари билан жадидчилик ғоялари асосидаги "Тарбия атфол" жамиятини ташкил этган ва ушбу ташкилот бухоролик энг иқтидорли ёшларни Истанбулга ўқишга юбориш ҳаракатини бошлаганди.

Истанбулга шу даврда Туркистоннинг турли ҳудудларидан ўқишга борганлар сони ўша пайтда 30 киши бўлиб, улар орасида Фитратдан ташқари Ғози Олим Юнусов, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Бекжон Раҳмон, Усмонхўжа Пулатхўжа ўғли, Мазҳар Маҳзум, Ота Хўжа Пулатхўжаев сингари заковатли ёшлар ҳам бор эди. Вақт ўтиб айнан ана шу ёшлар Туркистондаги жадидчилик ҳаракатининг етакчилари, адабиёт, санъат, маданият соҳаларининг намоёндалари бўлиб, эл-юрт тараққиётига муносиб ҳисса қўшишди.

Табиатан иқтидорли бўлган Фитратнинг Туркиядаги ижоди талабалик давридаёқ ўзбек адабиёти, илму фанида истиқболли ижодкорнинг етишиб келаётганидан дарак берарди. Жумладан, унинг 1909 йили Истанбулда "Ҳиндистонда бир фаранги ила бухороли бир мударриснинг бир неча масалалар ҳам усули жадиди хусусида қилган мунозараси" номли китоби босилиб чиқгани унинг кенг дунёқарashi, ақлу салоҳиятини кўрсатиб турарди. Аслида Фитрат асари ўз юртида нашр этилишини истаган, аммо Бухорода босилишига амир русхат бермагач,

БОҚИЙ МЕРОС



ОЛОВҚАЛБ АВЛОДЛАР УЛҒАЯР БУНДА

Халқ оғзаки ижодини шунчаки уйдирма ёки зерикандан тўқилган эрмак деб қараш халқнинг юксак бадийий тафаккури меваси бўлмиш мақола топишмоқлар, қўшиғу дostonлар, афсонау эртақлар, қўйингки, сон-саноксиз улкан маънавий меросини инкор этишга сабаб бўлади. Дейлик, бир киши оиласи, яқинларини ташлаб, нимадир орттириш, ҳозиргидан кўра, тўқисроқ яшаш илинжида дунё кезади. Баъзан истаганини топади, баъзан йўқ.

эса бу ҳол яна-да баланд кўтарилган, бироқ энг баланд чўққиси бўлмади. Чунки у ёлғиз эди. Ундан туғилган икки ўғил — Бойбўри, Бойсарни даврда эса мамлакат пароканда бўла бошлаган. Сабаб — бу ака-ука бир кутуби, яъни мусбат ва мусбат. Халқнинг ривожланиши ва юксалиши учун эса бир мусбат ва бир манфий кутуб лозим. Бу юқорида таъкидлаганимиз — "борлиқ қонуни"нинг талаби. Бу қонун талабига бўйсунмаган эса заифланади ва йўқликка юз боради. Айнан шу сабаблар туфайли Бойбўри ва Бойсарни ўз юртида етарли ҳурмат кўрмади. Фуқаросининг тўйида изза қилинди. Уларга маслаҳат берадиган кишилар унинг остонасида ўтирадиган, биров гапини гап демай-диган Ертибойлар бўлди.



Абдукамол АБДУЖАЛИЛОВ, Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети магистранти

Узбек тилида ярим-ёрти деган жуфт сўз бор. Бу сўзнинг илдизини билмаган киши унинг таркибидagi иккинчи сўзни маъносиз деб ўйлайди. Аслида эса "ёрти" сўзи ярмининг ярми деганидир. Демак, юрт эгаларига маслаҳат соладиганлар бутун бўлиш тугул, яримта ҳам эмас, балки ярмининг ярми бўлган одамлардир. (Бу ҳолат ўтган асрларда ўзбек халқининг бошидан кечди. Юртга ўз эгаси эга чиқмади, оёқ остида юрган "ёртибойлар" маслаҳатгүй бўлдилар).

Буларнинг барига сабаб авлод ва халқ келажакини давом эттирувчи муносиб, оловқалб авлоднинг — фарзанднинг йўқлиги эди. Аллоҳнинг инояти билан, кўп дуо ва илтижолардан кейин Бойбўри бир ўғил ва қизли, Бойсарни эса бир қизли бўлди. Яъни авлод қирқилмади, ватан келажак йўқликка юз бурмади. Этносининг тақдир йўли, халқнинг бунёдкорлик қуввати — ёлғиз Алпинбийдан ўтиб, Бойбўри ва Бойсарнида иккига бўлиниб кетган қувват — Алломиш ва Барчин воситасида (мусбат + манфий қўринишда) бириктиб, ўз чўққисига чиқди.

Достонда бунёдкор авлод пешқадами Алломишнинг арзимас сабаб билан иккига бўлиниб, ўзга юрт — Қалмоққа кўчиб кетган Бойсарни бошқалиқ элнинг Барчин тилмосидаги орияти учун тўқсон алп билан қурашгани, этнос орнини химоялаб, охир-оқибат Бойсуни-Қунғирот элини қалмоқлар зулмидан озод қилиб, катта бир мамлакатга эса солгани Ватанга бўлган муҳаббатнинг ҳақиқий бадийий ифодасидир.

ЎЗБЕК ТИЛИДА ЯРИМ-ЁРТИ ДЕГАН ЖУФТ СЎЗ БОР. БУ СЎЗНИНГ ИЛДИЗИНИ БИЛМАГАН КИШИ УНИНГ ТАРКИБИДАГИ ИККИНЧИ СЎЗНИ МАЪНОСИЗ ДЕБ ЎЙЛАЙДИ. АСЛИДА ЭСА "ЁРТИ" СЎЗИ ЯРИМИНГ ЯРМИ ДЕГАНИДИР. ДЕМАК, ЮРТ ЭГАЛАРИГА МАСЛАҲАТ СОЛАДИГАНЛАР БУТУН БЎЛИШ ТУГУЛ, ЯРИМТА ҲАМ ЭМАС, БАЛКИ ЯРИМИНГ ЯРМИ БЎЛГАН ОДАМЛАДИР. (БУ ҲОЛАТ ЎТГАН АСРЛАРДА ЎЗБЕК ХАЛҚИНИНГ БОШИДАН КЕЧДИ. ЮРТГА ЎЗ ЭГАСИ ЭГА ЧИҚМАДИ, ОЁҚ ОСТИДА ЮРГАН "ЁРТИБОЙЛАР" МАСЛАҲАТГҮЙ БЎЛДИЛАР)...

беши қоронғу, ўн беши ёруғ", "Ҳар яхшининг бир ёмони, ҳар ёмонинг бир яхшиси", "Бир танада кўй минг озид, минг семирар", "Бир яхшига бир ёмон ҳар эрта бор, икки яхши бир бўлса, кун қайда бор" каби мантиқий ҳамда бадийий юксак ижод намуналарини ярата олади.

Халқ оғзаки ижодида муҳаббат каби мангу мавзулар борки, улар хусусида ҳамшиша эслаб, айтиб туриш лозим. Бу — Ватан мавзуси. Хусусан, Ватан равнақи, юрт тинчлиги, унинг ривожини ва буюк келажакини қуйлаш ўзбек фольклорининг барча жанрларида, айниқса, достонларда яққол намоён бўлади. Халқимизнинг мумтоз эпоси бўлмиш "Алломиш" достони тўлалигича ўзбек этносининг ягона миллат сифатида шаклланиши ва юксалиши баланд пардаларда қуйланган бадийий тарихи эканини кўрамин. Достонда бу ҳолат образлар ёрдамида, махсус кодлаштирилган тарзда намоён бўлади: "Бурунги ўтган замонда, ўн олти уруғ Кўнғирот элида Довонбий деган ўтди. Довонбийдан Алпинбий деган ўғил фарзанд пайдо бўлди. Алпинбийдан тағи икки ўғил пайдо бўлди: каттақонининг отини Бойбўри қўйди, кичикқонининг отини Бойсарни қўйди. Бойбўри билан Бойсарни — иккови катта бўлди. Бойсарни бой эди, Бойбўри шой эди, бул иккови ҳам фарзандсиз бўлди".

Довонбий — шунчаки исм эмас, унда рамз бор. Довон "тепалик", "баландлик" маъносига келади. Демак, унинг даврда халқнинг моддий ва маънавий ҳолати яхшилана борган. Алпинбий даврда

Фольклоршунос олимларимиз 120 дан ортқ достондан иборат эканини таъкидлаган "Гўрўгли" туркумида ҳам юрт, ватан мавзуси юқори мавжларда қуйланади. Жумладан, дунёнинг тўртдан бирини қўлга қиритган Гўрўглининг ҳар сафар афсонавий Чамбўл юртига қайтиб келиши, уни жон дилдан севishi фикримизни қувватлайди.

Ўзбек халқи томонидан яратилган бошқа китобий, тарихий, романтик, жангнома, қаҳрамонлик достонларининг барчасида инсонни эзгуликка чорловчи ғоялар мумжасам. "Фарҳод ва Ширин", "Кунтўғиш" бўладики, "Рустамхон"ми — қаҳрамон дунё кезади, не-не юртларни кўради. Охир-оқибат эса киндик қони тўқилган она юртига қайтиб келади. Бекорга халқимиз Ватанини онага қиёс қилмайди. Чунки она ҳам, Ватан ҳам инсонни ўз бағрида улгайтиради. Достонларда ватанпарварлик, халқпарварлик, қаҳрамонлик каби эзгу ғоялар гоят таъсирчан услубда ифода этилгани боис, улар инсонни ҳамшиша камолотга етаклаган.

Хулоса қилиб айтганда, халқ достонларида доимо ватан ва юртга муҳаббат, садоқат, орият асосий мавзулардан бўлиб келган. Зеро, халқ ўзи яратган барча оғзаки ижод намуналарида Ватанини қуйлар экан, пировард мақсади авлодлар қалбига она Ватан севгисини сингдириш орқали улар камолотини таъминлаш бўлган. Ҳеч шубҳа йўқки, асрлар оша қимматини йўқотмаган ва бундан кейин ҳам йўқотмайдиган халқ достонлари таъсирида, албатта, оловқалб авлодлар улғаяди.

ИЛҒОР ҒОЯ ВА ТАРАҚҚИЁТ ТАРҒИБОТЧИСИ

ёхуд маърифатпарвар Фитратнинг Туркиядаги талабалик даври



Умид БЕКМУҲАММАД, Урганч давлат университети ўқитувчиси

камолти нимада? Яхши билмоқ, яхши ўрганмоқ ва мукаммал фикр қилмоқдир. Одам иш қилишдан олдин уни хаёлига келтиради, ўйлайди, фикр этиб кейин амал қилади. Ана шу тафаккурни, зеҳн ҳаракатини "муҳокама" дейдилар. Одам ақлининг кучи ва заковати билан то муҳокама этиб қарор қилмаса, бир ишни бошлаб ёки бирор ишни тўхтата олмайдми", дея ёзади Фитрат юқоридаги асариди.

Унинг бу фикрларидан ҳам кўринадики, Фитрат вояга етган оилада ҳар бир қилинадиган иш ақлу заковат билан муҳокама этиб борилган ва бунда маърифатли савдогар отасининг ўрни катта бўлган.

Фарзандни жисман, ақлан ва ахлоқан камолга етиштириб ҳаёт майдонига кучли, ақли ва яхши ахлоқ билан чиқариш зарур. Шунини эътиборга олиб, олимлар тарбияни уч қисмдан иборат деб билдилар. Булар: бадан тарбияси, ақлий тарбия ва ахлоқий тарбия. Улар бир-бирларига шундай боғлиқ ва яқинки, бирига зарар тегса, бошқаларида ҳам нуқсон пайдо бўлади. Бирига фойда тегса, бошқалари ҳам ундан баҳраманд бўладилар. Масалан, бировнинг бадани беморлик натижасида заиф бўлса, аксаран фикри ҳам заиф бўлади, ҳар ишда чўқур андишга бора олмайдми, бирор чора қилмоқчи бўлса ҳам дарров кўнгли совийди. Ахлоқан ҳам ўзгариб, ўз фазилатларини йўқотади, тез ранжийдиган, муросасиз ва айб қидирувчи бўлади. Фикри заиф бўлган одам ўз ишлари устида ўйламайди, зарар ва фойдасини андиша назаридан ўтказма олмайдми", дея оила даврасида болага ҳар томонлама етук тарбия бериш кераклигига эътиборни қаратади.

Фитратнинг назарида "тарбиянинг ҳар бир қисми туғилишдан етти ёшгача аввал ота-она зиммасига тушади. Саққиз ёшдан ийгирига ёшгача мактаб ва мадраса зиммасига, кейин умрининг охиригача одамнинг ўз бошига тушади".

Оиланинг тўнғич фарзанди Абдурауф Фитрат дастлаб Бухородаги мактабда, сўнгра Мир Араб мадрасасида таҳсил олади. Исомий эътиқоли бўлган мутафаккир 1907 йилда диндаги бешинчи шарт бўлган — Ҳаж зиёратини амалга ошириш ниятида Афғонистон, Туркия, Ҳиндистон орқали Арабистонга бориб, ўз мақсадига эришади. Шунингдек, ўз даврининг илғор шахарлари бўлган Москва ва Петербургда ҳам сафарда бўлади. Шу тариха дунё кўриб, илмини олий мақсад деб билган Фитрат 1909 йилда Туркияга йўл олади.

Маълумки, Россия империяси таркибидagi туркий мусулмон халқлар яшайдиган ўлкаларда 1884 йилдан бошлаб жадид мактаблари ташкил қилина бошланади. 1908 йилдан Бухорода

Истанбулда нашр қилинган эди. Ушбу асар 1911 йили "Туркистон вилоятининг газети"да босилди. 1913 йилда эса алоҳида китоб ҳолда нашр этилди ва унга Маҳмудхўжа Бехбудий кириш сўзи ёзди.

Фитрат шу даврда Туркиядаги "Ёш турклар" ҳаракати таъсирида Истанбулдаги бухоролик ёшлар ёрдамида "Бухоро таълими маориф жамияти"ни ташкил этишга бошқилиқ қилади. Ушбу жамият туркистонлик ёшларнинг Туркияга келиб ўқиши борасида салмоқли ишларни амалга ошириб, таълимнинг замонавий ҳолатда тараққий этишини ўз олдига мақсад қилиб қўйганди.

Шу билан бирга, Фитрат Туркиядалик пайтда адабиётнинг барча жанрларида қалам тебратди ва ўз орзу-армонлари, эзгу тилакларини тарғиб қила бошлади. 1910 йилда "Сайха" ("Бонг") номли шеърлар тўпламини нашр қилди. Шунингдек, 1912 йилда адибининг "Ҳинд сайёҳининг кассаси" асарини ҳам чоп этилди.

"Мунозара" ва "Ҳинд сайёҳининг кассаси" асарлари ёшлар дунёқарашининг кескин ўзгариши ва уларнинг жадидлар сафига келиб қўшилишига сабабчи бўлди. Ушбу асарлардаги ғоялар таълимни ва Туркистондаги бошқарув усулини ҳам ислоҳ этишдек эзгу орзуларни ўзида акс эттирганди. Умуман олганда,

Осиё ва Европа қитъалари ўртасида жойлашган шаҳардаги талабалик Фитратнинг дунёқарашига катта таъсир кўрсатиб, Бухородаги таълим, умуман, тузумини ислоҳ қилиш энг долзарб иш эканлигини англаб етди.



Фитрат Истанбулдан 1913 йилда ватанига қайтган. Бухоронинг турли ҳудудлари — Шахрисабз ва Қарқидга ўқитувчилик қилиб, асарларида акс эттирган назарияларни ҳаётга жорий қилиш, жадидчилик ғояларини кенг тарғиб этиш билан шуғулланди. Шу боис, тез орада "Ёш бухороликлар" ҳаракатининг мафкурчиси ва ғоявий раҳбарларидан бирига айланди. Узининг салоҳияти, нотиклиги билан Бухоро ва Самарқанддаги кизгин адабий жараён, маданият, маориф ишларига ва сиёсий ҳаракатларга фаол аралашди. Жадидларнинг бир гуруҳи маориф, маърифат орқали халқ аҳолини яхшилашга интилса, иккинчи гуруҳи давлат тизимини ислоҳ этиш, қайта қуриш орқалигина халқ ва юрт аҳолини яхшилаш мумкин, деган сиёсий йўлдан боришга интилди.

Умуман олганда, бухоролик жадидлар таълим ва матбуот билангина чекланиб қолмасдан, қишлоқ ҳўжалигида солиқларни қамайтириш, давлат амалдорларининг ўзбошимчилигини чеклаш, тузумни ислоҳ қилиши ҳаётий зарурат, давр талаби даражасига кўтардилар.

Бу даврда Фитрат томонидан яратилган публицистик мақолаларда ана шу ғоялар акс этган бўлиб, "Оила" (1914), "Раҳбари нажот" (1915), "Бегжон" (1916), "Мавлуд шариф" (1916), "Абу Муслим" (1916) асарларининг ҳам маъно-у мазмунини ташкил этган.

Ана шу даврда Фитрат яна мактаблар учун "Мухтасар ислом тарихи" (1915), "Ўқув" (1917) сингари дарслик ва ўқув қўлланмалари ҳам яратди.

Ўз даврининг илғор фикрловчи зиёлиларидан бири бўлган Фитратнинг бундан юз йилдан зиёд олдин айтган фикрлари ва у илгари сурган ғоялар бугун ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган.



“ФИТРАТ 28 ЁШИДА, 1914 ЙИЛДА ЁЗГАН “ОИЛА” НОМЛИ ДИДАКТИК АСАРИДА ИНСОННИНГ ТАҚДИРИ, КЕЛАЖАК ҲАЁТИДАГИ ЮГУВИ ВА МУВАФФАҚИЯТСИЗЛИГИ, БАХТИ ЁКИ БАХТСИЗЛИГИ, КАСБ ТАНЛАШИ, КАЙФИЯТИ УНИНГ ОИЛАВИЙ МУҲИТИ БИЛАН БОГЛИКЛИгини ҒОЯТДА ТУШУНАРЛИ ҚИЛИБ ЁЗГАН.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДУК

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Таҳририятга келган қўлёмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “KOLORPAK” МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси хузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. Буюртма — 857.
88991 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2. Баҳоиси келишилган нархда.

“KOLORPAK” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Ўзбекистон, 100060.
Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй.
Босмахона телефони: (78) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Шаҳзод Ғафоров
Мусаҳҳис: Малюхат Мингбоева
Дизайнер: Зафар Рузиев

Манзиллими:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

ЎзА яқини — 04:00 Тошхирлиди — 05:35